

Маҳаллалар дастур ва мезонлар ижроси билан кўркам

2-с.

“Еттилик”да ҳисобдорлик ҳисси уйғонган

Давлат-хусусий шериклик асосидаги қурилиш ташкилотлари фаолиятини йўлга қўйиш зарур. Бу билан иш сифати ошади.



3-с.

ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

Mahalla

2024 ЙИЛ
31 ОКТЯБРЬ,
ПАЙШАНБА

№68
(2206)

WWW.UZMAHALLA.UZ

УЮШМА КУНДАЛИГИ

УЮШМА РАИСИ “ЕТТИЛИК” ФАОЛИЯТИ БИЛАН ТАНИШДИ





Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси Қаҳрамон Қуронбоев Навоий вилоятида бўлиб, “маҳалла етти-лиги” фаолияти, камбағалликни қисқартириш борасидаги ишлар ҳолати билан танишди.

Дастлабки манзил — Нурота тумани бўлди. Уюшма раиси тумандаги “Саидато” маҳалласида “еттилик” аъзолари билан учрашиб, аҳоли бандлигини таъминлаш, ёшларни қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни кўздан кечирди.

Мазкур маҳаллада 1 061 нафар аҳоли истиқомат қилади. Йил бошида 56 нафар ишсиз рўйхатга олинган бўлиб, ҳозирда уларнинг барчасини бандлиги таъминланди.

Учрашувда маҳалла раиси йиғин биносини янгидан қуриш таклифини билдирди. Мазкур таклиф қўллаб-қувватланиб, янги маҳалла биноси қурилиши белгиланди.

Кейинги манзил — Хатирчи тумани. Қаҳрамон Қуронбоев тумандаги **“Мустақиллик” маҳалласи** ёшлари билан учрашди.

Хабарингиз бор, йил аввалида Республика бўйича 60 минг гектар энг унумдор ерлар ёшларга бўлиб берилган эди. Маҳалла ёшлари ана шу имкониятдан фойдаланиб, йил бошида яхши ният билан карам экишганди. Айтишларича, бу йилги хирмон баракали бўлган. Шу ернинг ўзида “маҳалла еттилиги” вакиллари билан суҳбатлашилди. Маҳаллада бандлик, ёшлар, миграция масалалари бўйича амалга оширилган ишлар таҳлил қилинди.



Уюшма раиси тумандаги **“Лангар” маҳалласи**да бўлди. “Туризм қишлоғи” мақоми берилган мазкур маҳалла табиий бойликлари, ноёб табиати билан ҳам машҳур. Бу ерда “маҳалла еттилиги” билан суҳбатлашиб, аҳолининг яшаш шароити билан яқиндан танишилди. Маҳаллада туризмни ривожлантириш учун имкониятлар жуда катта. Тадбиркорлар замонавий меҳмон уйлари, овқатланиш шохобчалари қурмоқда.

Тумандаги **“Дамариқ” маҳалласи**да ҳам аҳоли бандлигини таъминлаш, ҳудудни ободонлаштириш, аҳолининг томорқа маданиятини юксалтириш борасидаги ишлар ҳақида суҳбатлашилди. Хатирчини Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон тумани билан ажратувчи Оқдарё бўйида Хитойнинг Ланьчжоу провинцияси тажрибаси асосида ободонлаштириш таклифи билдирилди.

БЮДЖЕТНОМА

1 000 та маҳаллага 900 миллиард сўм


Иқтисодиёт ва молия вазирлиги 2025 йил учун Бюджетномани эълон қилди



Бюджетномага асосан, **аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш** харажатлари учун *(нафақалар, моддий ёрдам, дафн тўловлари, ҳомиладорлик нафақалари ва бошқа компенсация тўловлари кўринишида)* 2025 йилда жами бюджет харажатларининг **5 фоизи** йўналтирилади. Хусусан, **“Камбағалликдан фаровонлик сари”** дастурини амалга ошириш учун 2,9 трлн. сўм маблағ кўзда тутилган. Бу жараёнда энг оғир аҳволдаги 1 000 та маҳалла инфратузилмасини яхшилаш учун 900 млрд. сўм маблағ ажратилади.

Ташаббусли бюджетлаштириш харажатлари учун 6 трлн. сўм маблағ йўналтирилади.

Давлат ҳокимияти, бошқаруви, адлия, прокуратура, суд ва **фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини,** ННТ ва фуқаролик жамиятнинг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш харажатларига 20 трлн. сўм йўналтирилади, бу жами харажатларнинг 5,8 фоизини ташкил қилади.



“Беш ташаббус олимпиадаси” доирасида ўтказилган спорт мусобақаларида ғолиб бўлган ҳамда спорт инфратузилмаси ривожланмаган маҳаллаларда спорт майдончаларини барпо этиш учун — 84 млрд. сўм, маҳаллаларда аҳоли бандлигини ошириш ҳамда янги иш ўринлари яратишда **етакчи бўлган тадбиркорларга** давлат гранти учун — 10 млрд. сўм ажратилади.



Қўлига китоб тутқазмасак, тарбия ва тафаккур ўзгармайди

7-саҳифада.

БУГУНГИ СОНДА:

Мақсади катта ёшларга катта ўйингоҳ керак

“Маҳалламиз катталиги боис йиғинда қурилган мини стадион маҳалланинг барча ёшларини қамраб олмайди. Таклифим шундан иборатки, мини стадион ўрнига катта спорт мажмуасини қурсак, келгусида яхши футболчилар етишиб чиқарди. Ёшлар орасида катта майдонларда футбол ўйнаб, Ватанимиз шаънини ҳимоя қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўйганлари талайгина”.

4-с.

Эзгу мақсад йўлида бирлашсак, ҳар қандай муаммо барҳам топади

Инсон қадри, меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик, миллатлараро дўстлик ва тотувлик, маънавият ва маърифат, маданият ва санъат, спорт ва илм-фан ривожи, ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, аввало, маҳалладан бошланади. Бу борада Ҳазорасп туманида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

5-с.

Овул осойишта, оилалар ҳам тинч

“Овулнинг ўзида яшаб, ишлашим учун менга хизмат уйи, узоғимни яқин қилиш учун хизмат машинаси берилган. Бундай қулайликлар кечаю кундуз ўз ҳудудимда бўлиб, ҳар бир хонадон билан самарали ишлаш, маҳаллада жиноятчиликнинг олдини олиш, фуқаролар осойишталиги ва хавфсизлигини таъминлашида ўзининг ижобий натижаларини кўрсатмоқда”.

6-с.

Янги ҳаётда ҳар куни янги тонг отади

“Ҳар куни янги тонг отар экан, қалбимда маҳалларимизда яна қандайдир ижобий ўзгариш бўлишига мустаҳкам ишонч уйғонади. Сабаби, бугун тизимда фаолият олиб бораётган ходимлар бор меҳрини ишга берган, аҳоли турмуш шароитини яхшилаш сари тинимсиз ҳаракат қиляпти. Натижаларимиз юрт ривожида тенгсиз аҳамият касб этишини яхши биламиз”.

8-с.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг!

@mahalla_raislari
@mahalladosh_1
@mahalladosh

Газетанинг телеграмдаги «uzmahallabot»ига ўтиш учун QR-кодни сканерланг!



ПРЕЗИДЕНТ ИМЗОЛАГАН ҚОНУН билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.



Янги қонун билан фойдали қазилмаларни рухсатномасиз қазиб олганлик учун ЖИНОИЙ ЖАВОБГАРЛИК белгиланди.



ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРИ билан Марказий Осиёда ер усти транспорти ўзаро боғлиқлигини мустаҳкамлаш тўғрисидаги Битим тасдиқланди.

ТАҲЛИЛ

Маҳаллалар дастур ва мезонлар ижроси билан кўркам



Мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ишлар, ижтимоий-иқтисодий лойиҳалар халқни рози қилишга қаратилган. Давлатимиз раҳбари ҳар доим “ислоҳотлар натижасини одамлар ўз ҳаётида, маҳалласида сезсин”, деб талаб қўяди. Чиндан аҳоли кайфияти – ислоҳотларимиз ва снёсатимизнинг кўзгуси ҳисобланади.



Олимжон ҒОЗИЕВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Бағдод тумани бўлими бошлиғи.

Айниқса, мамлакатимизда “маҳаллабай” ишлаш тизими жорий этилиши “Инсон қадри” тамойилининг узвий давоми сифатида ҳар бир хонадондаги муҳит билан яқиндан танишиш имкониятини бермоқда. “Маҳалла еттилиги” аҳолининг қизиқиши, хоҳиш-истаги ҳамда турмуш тарзини ўрганиб, юзага келган муаммоларга тез фурсатда ечим топмоқда.

Туманда “Аҳоли муаммолари билан ишлашда маҳалла институтининг мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда “Аҳоли муаммолари билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент фармонлари ижроси тўлақонли бажарилмоқда. Тўртта сектор билан ҳамкорликда иш олиб борилмоқда. Жумладан, миграциядаги 716 нафар фуқаронинг оиласидан хабар олиниб, эҳтиёжи ўрганилди. Уларнинг 1 156 нафар оила аъзоларига зарур маслаҳат ва кўмак кўрсатилди.

Ҳудуд инфратузилмасини яхшилаш мақсадида “Хитой” маҳалласи “Обод хонадон”, “Обод кўча”, “Обод маҳалла” мезонлари асосида кўркамлашди. “Меҳнатобод” маҳалласи ижтимоий жиҳатдан оғир ҳудуд эди. Амалга оширилаётган қурилиш-ободонлаштириш ишлари натижасида намунали маҳаллага айланмоқда.

Каримбобо номидаги маҳалла “Обод қишлоқ” дастури асосида янги қиёфага кирди. Ишсизлик, камбағалликни қисқартириш бўйича режали иш олиб борилди. Икки нафар фуқаро жамоат ишига жалб қилинди, яна шунча ишсиз ҳудуддаги “Бағдод соҳилбўйи” фермер хўжалигига ишга жойлаштирилди. Учта кам таъминланган оилага моддий ёрдам кўрсатилди. Ишсиз ва эҳтиёжманд 6 минг 332 нафар хотин-қиз “Аёллар дафтари”га рўйхатга олиниб, улар билан индивидуал иш ташкил этилди.

“Яшил макон” лойиҳаси асосида 90 000 дона терак ва терак қаламчаси экилди. “Обод қишлоқ” дастури доирасида кўчалар шағалланди. Эски симёғочлар ўрнига таянч устун ўрнатилди.

Сир эмас, аввалари маҳалла ходимлари зиммасига жуда кўп вазифа юклангани натижасида ўз мажбуриятини бажара олмай қолганди. “Еттилик” фаолияти йўлга қўйилгач, ҳар бир йўналиш бўйича масъуллар белгиланди. Жумладан, ҳоким ёрдамчиси ҳамда ижтимоий ходим камбағалликни қисқартириш билан шуғулланмоқда. “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастур асосида ўтказилган хатлов натижасида 344 та камбағал оила рўйхатга олинди. Уларга кредит ва субсидия ажратилиб, амалий ёдам берилди.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

ЙИҒИНЛАР ЗАМОНАВИЙ БИНОГА ЭГА БЎЛДИ

Когон шаҳридаги “Хўжабарги” маҳалла фуқаролар йиғинининг янги замонавий биноси фойдаланишга топширилди.



Очилиш маросимида Когон шаҳар ҳокими, сектор раҳбарлари, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Бухоро вилояти бошқармаси масъул ходимлари, “маҳалла еттилиги” ҳамда фаоллар, нуронийлар иштирок этишди.

Янги бинода аҳоли билан самарали ишлаш учун “маҳалла еттилиги” барча имконият ва шароитга эга бўлди.

Шофиркон туманидаги “Шибиргон” маҳалла ходимлари ҳам фаолиятини замонавий бинода давом эттирадиган бўлди.



Ҳудуд қиёфасини ўзгартиришга қаратилган чора-тадбирлар натижасида эски, таъмирга муҳтож маҳалла биноси ўрнига янги, замонавий, барча қулайликларга эга марказ қад ростлади. “Маҳалла еттилиги” учун алоҳида хоналар ажратилиб, замонавий жиҳозланди, профилактика инспектори учун хизмат уйи қуриб берилди. Маҳалла биносининг ёнида болалар майдончаси ташкил қилинди.

Маҳалла марказининг фойдаланишга топширилиши катта тантанага айланиб кетди. Маросимда туман ҳокимлиги масъуллари, “маҳалла еттилиги” ходимлари, фаоллар, аҳоли вакиллари иштирок этди.

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...

Иқтисодий асослар қай тартибда белгиланади?

Аҳрорбек ТЎРАЕВ. Самарқанд шаҳри:

— Кейинги йилларда фуқаролар йиғинлари молиявий манбаси мустаҳкамланди. Қонунчиликда маҳалла фаолиятининг иқтисодий асоси нималардан иборат?



Баҳром ҚУШБОҚОВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси масъул ходими:

— Фуқаролар йиғини фаолиятининг иқтисодий асоси “Фуқаролар йиғини тўғрисида”ги низомда белгиланган. Унга кўра, маҳалла иштирокида барпо этилган, олинган ёки қонунда белгиланган тартибда уларга берилган жамоат, ижтимоий-маиший объектлар ва бошқа мақсадларга мўлжалланган объектлар, шунингдек, транспорт воситалари, хўжалик анжомлари ва бошқа кўчар ҳамда кўчмас мол-мулк уларнинг мулки ҳисобланади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг молиявий манбалари ўз ва маҳаллий бюджет маблағларидан, грантлар ва инвестициялар ҳамда ўз мулкидан олинган даромадлардан, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайрияларидан, қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа маблағлардан ташкил топади.

Фуқаролар йиғинининг кенгаши молиявий маблағлардан фойдаланиш тўғрисида ҳар чоракда ҳисоб беради.

Бундан ташқари, жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк ва ер солиғи бўйича ундирилган маблағларнинг (нотурар жойлар бўйича ундириладиган мол-мулк ва ер солиғи бундан мустасно) 10 фоизи, маҳалла идоралари орқали кўрсатилган давлат хизматлари учун ундирилган йиғимнинг 10 фоизи автоматик тарзда маҳаллий бюджет ва маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш жамғармасининг туман(шаҳар) бўлимига келиб тушади.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Назорат гуруҳи қандай шакллантирилади?

Комилжон БУНЁДОВ. Чирчиқ шаҳри:

— Маҳаллада жамоатчилик назорати олиб борилиши аҳоли ўртасида эътирозларга сабаб бўлаётган ижтимоий муаммоларни аниқлаш ва ҳал этиш имконини беради. Шу мақсадда ҳар бир фуқаролар йиғинида Маҳалла назорати гуруҳи ташкил этилган. Гуруҳ аъзолари қандай шакллантирилади? Вазифаси нимадан иборат?



Тўлқин ТОҒАЙҚУЛОВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси бўлим бошлиғи:

— Маҳалла назорати гуруҳи бир қатор вазифаларни бажаради. Жумладан, қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда, қарорларда, шунингдек, давлат, тармоқ ва ҳудудий ривожлантириш дастурларида жамоатчилик манфаатлари ва уларнинг фикри ҳисобга олиниши, фуқароларнинг, юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, жамият манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги қонунчилик талабларининг таъминланиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади. Давлат органлари ва ташкилотларига, уларнинг мансабдор шахслари зиммасига юкланган вазифа ва функциялар бажарилиши, ижтимоий шериклик доирасида амалга ошириладиган битимлар, шартномалар, лойиҳалар ва дастурларни бажарилишини кузатиб, баҳолайди.

Бунинг учун давлат органлари ва ташкилотларига мурожаатлар ва сўровлар юбориш, уларнинг очиқ ҳайъат мажлисларида иштирок этиш, фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш учун зарур бўлган ахборотлар, статистика ва бошқа материалларни белгиланган тартибда олиш, давлат органлари ва ташкилотларининг бошқа қарорлари лойиҳалари юзасидан жамоатчилик муҳокамасини ташкил этиш каби ҳуқуқларга эга. Маҳалла назорати гуруҳига фуқаролар йиғини раиси раҳбарлик қилади.

ТАЖРИБА

Балиқчилик орқали бандлик таъминланяпти

Мамлакатимизда ишсизликни камайтириш мақсадида кўплаб иқтисодий дастурлар амалга оширилмоқда. Кичик бизнес ва тадбиркорлик қўллаб-қувватланиб, ҳудудларда корхоналар очилмоқда. Профессионал таълим муассасалари ва “Ишга марҳамат” мономарказларида аҳолига замонавий касб-ҳунар ҳамда хорижий тиллар ўргатилмоқда.

Карим БЕРДИЁРОВ, Ғузор туманидаги “Қаҳрамон” маҳалласи раиси.

Президент ташаббуси билан “Камбағалликдан фаровонлик сари” шиори остида ҳудудимиздаги хонадонлар хатловдан ўтказилди. Аниқланган камбағал оилалар бандлигини таъминлаш мақсадида қатор лойиҳалар ишлаб чиқдик. Жумладан, маҳалланинг ўсиш нуқтаси — балиқчилик яхши ривожланган. 100 дан ортиқ хонадонда ихтисослашган ҳовузлар ташкил этилган. Бу ерда Африка лаққаси парваришланади. Афзаллиги, бу тур жуда тез етилади. 3 сотих



майдондаги ҳовузга 30 тонна уруғ ташланади. Дастлаб балиқ уруғи Фарғона вилоятидан олиб келинган бўлса, энди шу ернинг ўзида етиштириляпти. Бу билан умумий миқдорда 150 та иш ўрни яратилди.

“Драйвер”имиз ёрдамида маҳаллани ишсизликдан холи ҳудудга айлантирмоқчимиз. Мисол учун, йил бошида 85 нафар ишсиз рўйхатга олинган бўлса, бугунгача уларнинг 60 нафари банд бўлди. Ўсиш нуқтамиз орқали миграциядаги фуқароларни ортга қайтаряпмиз. Йил бошидаги 115 нафар мигрантнинг 60 нафари ватанга қайтиб, балиқчилик хўжалиги ташкил этди. Бундан ташқари, ишсиз ёшларга ижара асосида фойдаланиш учун 21 гектар ер берилди. Улар қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириб, ўзини ўзи банд қилди.

Ўз навбатида маҳалла инфратузилмаси яхшиланмоқда. Жорий йил қўшимча 2 та трансформатор ҳамда 20 та таянч устун ўрнатилди. Томорқадан самарали фойдаланиш учун артизиан қудуқ қазилди. Йил якунигача маҳаллий бюджет маблағи ҳисобига яна 4 та шундай қудуқ қазилиши белгиланган. Оқова сув муаммоси ҳал бўлиши ортидан қўшимча ўсиш нуқтаси — томорқачилик ривожланади.



Марказий Осиё давлатлари ўртасида ёшларга оид сиёсатнинг умумий йўналишлари тўғрисидаги Битим РАТИФИКАЦИЯ ҚИЛИНДИ.



“Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҚОНУН қабул қилинди.



“Хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошириш жараёнларини тартибга солиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРИ имзоланди.

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...

Кредит шартномасини бекор қилса бўладими?

Маъруфжон САЛИМОВ. Урганч тумани:

— Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасидаги кредит ягона электрон платформа орқали расмийлаштирилган ва имзоланган бўлса, шартномани бекор қилиш мумкинми?

Музаффар АБДУРАҲИМОВ, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги бўлим бошлиғи:

— Ушбу кредит “Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурларининг ягона электрон платформаси орқали кредитлар ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги Вазирлар Маҳкамаси қарорига кўра берилади. Тартибга асосан, давлат дастурлари доирасида кредит олиш учун ариза барча босқичларда Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурларининг ягона электрон платформаси орқали онлайн тарзда кўриб чиқилади. Кредит ажратиш бўйича ҳужжатлар электрон кўринишда шакллантирилади. Ягона электрон платформа орқали, белгиланган мезонлар асосида скоринг баҳолаш натижаларига кўра автоматлаштирилган ҳолда ажратилади. Товар ва хизматларни Ягона электрон платформада яратилган “маркетплейс” тизими ёрдамида эркин сотиб олиш ёки сотиш имконияти яратилган.

Агар кредит шартномасини бекор қилиш зарурати пайдо бўлса, бунинг имкони бор. Фақат таъминот шартномаси тузилмаган бўлиши лозим. Агар таъминот шартномаси тузилган ва имзоланган бўлса, биринчи навбатда ушбу ҳужжатни бекор қилиш керак. Шундан сўнг кредит шартномаси рад этилади. Бу битим тўлиқ имзолангандан сўнг имтиёзли кредит олиш учун онлайн топширилган ариза ва ҳоким ёрдамчисининг тавсияномаси ўз-ўзидан бекор бўлади. Аризачига oilakredit.uz платформасига қайта мурожаат қилиш имконияти очилади. Кредит шартномасини бекор қилиш аризачи ёки банк томондан амалга оширилади. Қайси тараф битимни биринчи расмийлаштирса, ўша тараф биринчи имзолайди. Кредит шартномаси тижорат банки томонидан бекор қилинса, биринчи банк бошқарувчиси имзолайди. Сўнг аризачига навбат келади. Агар аризачи кредит шартномасини бекор қилса, бунинг акси бўлади.



МЕНДА САВОЛ БОР...

Муроджон САФАРОВ. Поп тумани:

— “Кичик бизнесни ривожлантиришни молиявий ва институционал қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарорига кўра, кичик тадбиркорлик субъектларига 100 миллион сўмгача кредит ажратиш белгиланган. Агар бизнес лойиҳа бундан кўпроқ маблағ талаб қилса, банк буни инобатга оладими? Тадбиркорлик субъектига “Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш” комплекс дастури доирасида қанчагача қўшимча маблағ берилиши мумкин?

ТАДБИРКОРЛАРГА ҚЎШИМЧА МАБЛАҒ БЕРИШ МУДДАТИ ҚАЧОН?



Севара ЎРИНБОЕВА, Адлия вазирлигининг медиа маркази раҳбари:

— Дарҳақиқат, “Кичик бизнесни ривожлантиришни молиявий ва институционал қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарорига асосан, амалга оширилаётган “Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш” комплекс дастури доирасида тадбиркорлик субъектларига 100 миллион сўмгача гаровсиз кредит ажратилади.

Агар тадбиркорлик субъектининг бундан кўп маблағга эҳтиёжи бўлса, жорий йилнинг 1 ноябрь санасидан микрокредитларни қайта молиялаштириш ёки улар бўйича кафилликлар тақдим этиш тартибини сақлаб қолган ҳолда тижорат банкларига ва микромолия ташкилотларига ўз ресурслари ҳисобига мазкур микрокредит миқдорини 300 миллион сўмгача оширишга рухсат этилди.

Давлат дастурлари асосида кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга барча тижорат банклари ва микромолия ташкилотлари жалб қилинади.

ТАҲЛИЛ

“Еттилик”да ҳисобдорлик ҳисси уйғонган



Маҳалла чинакам халқ манфаатини кўзлайдиган, аҳолини қийнаб турган муаммоларни мустақил ҳал эта оладиган тузилмага айланди. Унда фаолият юритаётган ходимларнинг ойлик иш ҳақи маҳалла раиси томонидан тасдиқланиши, “еттилик”ни рағбатлантириш ёки уларга интизомий жазо чораларини тайинлаш бўйича тақдимнома киритиш ваколати раисларнинг мавқеини оширди. “Маҳалла еттилиги” аъзолари ўртасида ҳисобдорлик ҳиссининг уйғонишига сабаб бўлди.



Ўткиржон НОРАЛИЕВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Зафаробод тумани бўлими бошлиғи.

Ҳар қандай соҳада ходимлар зиммасига вазифа юклаш баробарида уларга зарур шароит яратиб бериш талаб этилади. Маҳалла тизимида ҳам босқичма-босқич фуқаролар йиғини бинолари таъмирланиб, имконият кенгаймоқда. Тумандаги “Узун”, “Ёрқин”, “Бирлик”, “Нурафшон”, “Писталикент”, “Чимқўрғон” маҳаллалари компьютер жамланмаси билан таъминланди. “Маҳалла бюджети”ни шакллантириш мақсадида мол-мулк, ер солиғидан қарздорликни ундириш ҳисобига 355,3 млн. сўм маблағ уюшманинг туман бўлими ҳисоб-рақамига келиб тушди. Мазкур маблағ эвазига йиғинларнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланди. Бундан ташқари, “Самарқанд” маҳалласига янги маъмурий бино, профилактика инспектори учун хизмат уйи қурилди. Аҳолига қулайлик яратиш мақсадида икки дона кўприк, 148 дона янги электр устун ўрнатилиб, 17 км. тармоқ тортилди. 120 та хонадонга табиий газ кириб борди, 2,5 км. ички кўчага бетон ётқизилди, 3 км. тупроқ йўл шағалланди. 250 дан ортиқ хонадон замонавий кўринишга келди. “Тинчлик” маҳалласининг 1,5 км. қисми “Обод маҳалла” дастури асосида асфальтланди.



Кейинги йиллардаги ислоҳотларнинг энг муҳими — “Ташаббусли бюджет” лойиҳасининг жорий этилгани бўлди. Лойиҳа орқали одамлар дунёқараши ўзгармоқда. Аввалгидек, “бу нарса учун давлат бор-ку, биз солиқларни тўлаб, вазифамизни бажариб қўйганмиз, энди давлат ўз ишини қилсин”, деган эскича қараш ортда қолмоқда. “Давлат бизнинг туманга, маҳаллага қачон пул ажратади, қачон асфальт қилади, деб кутиб ўтиргунча, ўзимиз фаоллик кўрсатайлик”, дейдиганлар кўпаймоқда. Туманда жорий йилнинг ўзида “Ташаббусли бюджет” лойиҳасида 7 та таклиф ғолиб бўлгани фикримга исбот. “Ёрқин” маҳалласида ички йўллар, “Самарқанд” маҳалласида спорт ўйингоҳи, 5 та ижтимоий соҳа объекти учун энг кўп овоз тўплади.

Аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадини ошириш мақсадида “2024 йилда янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигига кўмаклашиш дастури тўғрисида”ги ва “Кичик бизнесни ривожлантиришни молиявий ва институционал қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарорлари бўйича жами 728 нафар фуқарога 15 млрд. сўм кредит ажратилди. Бундан ташқари, Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида 379 та талабгорга 7 млрд. 264 млн. сўм маблағ тақсимланди. Бунинг натижасида 1 минг 333 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланди.

“Сайхунобод тажрибаси” асосида 63 та кам даромадли хонадон танлаб олиниб, уларга 4 млрд. 231 млн. сўм имтиёзли кредит берилди. Бандлик дастури асосида 642 нафар фуқаро доимий иш ўрнига эга бўлди. “Мижозбай” ишлаш йўналишида бандлиги таъминланган фуқаролар сони 376 нафарни ташкил этмоқда. 2 минг 415 та хонадондаги томорқада икки, уч марта ҳосил олишга эришилди. Бу натижалар ўз навбатида туманда камбағалликни қисқартиришга замин яратмоқда. Мисол учун, йил бошида камбағаллик даражаси 16,8 фоизни ташкил этган бўлса, ҳозир бу кўрсаткич 11,4 фоизга камайди.

“Хорижга иш — маҳалладан” тамойили асосида ҳоким ёрдамчиси билан бирга миграциядан қайтган ва чет элга ишлаш учун кетмоқчи бўлаётганлар “Онлайн маҳалла” платформасига киритилди. Хатловда 942 нафар мигрант аниқланди. Бугунгача уларнинг 188 нафарини ватанга қайтаришга эришдик. 39 нафарининг бандлиги таъминланиб, 61 нафарига такрорий экин экиш учун ер ажратиб берилди. 24 нафар хотин-қиз тикувчилик ва бошқа йўналишларда ўзини ўзи банд қилди.

Бир таклиф билдирмоқчиман. Маҳаллаларда қурилиш ва ободонлаштириш ишини хусусий сектор бажаради. Ўз-ўзидан маълумки, ажратилган маблағ аксарият ҳолатда туманнинг маҳаллий бюджетига тушмаяпти. Шунинг учун давлат-хусусий шериклик асосидаги қурилиш ташкилотлари фаолиятини йўлга қўйиш зарур. Бу билан иш сифати ошади.

ТОМОРҚА МАКТАБИ

Помидордан мўл ҳосил олишнинг 3 та омили

Помидор жуда баракали экин тури. Ундан мўл ҳосил олиш учун, биринчидан, сифатли нав тошш керак. Иккинчидан, кўчат етарли даражада қуёш нуридан баҳраманд бўлиши лозим. Учинчидан, ўз вақтида зарур озиқа билан таъминлаш шарт.



Шуҳрат ОТАЖОНОВ, Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази директори.

Сотиб олаётган кўчатнинг бақувватлигига, поясининг туғрилигига, баргининг тўқ яшил рангда бўлишига, доғлар ёки зараркунандалар аломати бор-йўқлигига, синалган навлигига, касалликларга қаршилик кўрсата олишига эътибор бериш муҳим. Асло гуллаган ёки мева туга бошлаган кўчат харид қилманг!

Помидор бой тупроқни хуш кўради. Органик моддаларни 20-25 см. чуқурликка солинг. Кўчатни тупроққа экишда шошмаслик керак. Совуқ ҳарорат мева шаклининг ўзгаришига, ёрилишига олиб келиши мумкин. Меваларда деформация содир бўлмаслиги учун ҳарорат 10°С даражадан ошганда экиш керак. Иссиқлик 14-16 даражадан ошганда мева туга бошлайди, унгача ўсишда давом этади. Юқори баргигача кўмилса, бутун пояси бўйлаб илдиз чиқаради. Натижада, йўқотилган ҳар бир барг ўрни тез қопланиб кетади.

Кўчат ўртасидан тарвақайлаб ўсиши учун 60-80 см. жой қолдирилади. Чунки ораликда ҳаво айланиб туриши лозим. Қолаверса, ишлов бериш ҳамда ҳосилни териб олиш учун бўш жой керак бўлади.

Помидор парваришлаш жараёнида, албатта, бу экин ёқтирмайдиган омилларни билиш муҳим. Айнан шу омиллар сабабли касалланиши, ўсишдан ва мева беришдан тўхташи мумкин. Поя ва баргига сув тегишини ёқтирмайди. Шунинг учун томиридан суғориш керак. Ҳатто иссиқ ҳавода бу тарзда экинларни “совитиш” керак эмас. Бундай суғоришдан сўнг баргда қолиб кетган сув қолдиғи куйдириши мумкин. Бутун эгат юзаси бўйлаб суғормаслик лозим. Акс ҳолда илдизга кислород келиши тўсилиб қолади.


Агар томорқангиз ери оғир лойли бўлса, экишдан олдин қора тупроқ аралаштиринг. Оғир тупроқ кислород ўтказмай, ўсимликни нобуд қилади. Илдизга зарар бермай, доимий равишда ерни юмшатиб туриш лозим.



1 ноябрдан барча учун очиқ ҳолатда юритиладиган Инсон ҳаёти ва соғлиғига юқори хавф солувчи ОМИЛЛАР РЕЕСТРИ жорий қилинади.



Юртимизда ТУБЕРКУЛЁЗ билан касалланиш даражаси 1,5-2 баробар, ўлим ҳолатлари 6-8 баробар камайди.



1 ноябрдан Ўзбекистонга олиб кириладиган тайёр заргарлик буюмларига нисбатан ИМПОРТ БОЖЛАРИ 20 фоиздан 10 фоизгача камайтирилади.

Кегейли ёшлари имкониятдан тўлиқ фойдаланишяпти

Кегейли туманида 16 та маҳалла мавжуд бўлиб, аҳолининг 17 минг 201 нафарини йигит-қизлар ташкил этади. “Ёшлар баланси”ни шакллантириш мақсадида жорий йил бошида маҳалла ёшлар етакчилари ҳар бир хонадонга кирган ҳолда, ёшларнинг муаммолари ва қизиқишларини ўрганиш орқали хатлов ўтказди. Натижаларга асосан, улар “яшил”, “сариқ”, “қизил” тоифаларга ажратилди.

ТАҲЛИЛ



Ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича муҳим вазифалар белгилаб олинган.



Махсетбай ХОШАНОВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Кегейли тумани бўлими бошлиғи.

“Оталиққа олинган” ёшлар билан ишлаш бўйича ёндашувлар намунавий тажрибалар асосида шакллантирилди. Бу тоифадаги 7 минг 582 нафар ёш еттита тоифага ажратилди. Улардан 169 нафари алоҳида эътиборга муҳтож “оғир” тоифадаги, 56 нафари жиноятга мойил бўлган, 677 нафари ишсиз, 432 нафари ташқи миграцияда бўлган, 2 минг 716 нафари олий таълим муассасалари талабалари, 842 нафари профессионал таълим муассасалари ўқувчилари, 2 минг 690 нафари мактаб ўқувчилари саналади. Суҳбатлар натижасида улар ўртасида 640 та муаммо аниқланди. Шундан 458 таси жойида ҳал қилинди ҳамда қолган масалалар бўйича “йўл харитаси” ишлаб чиқилиб, “кунбай” муаммоларни бартараф этиш чоралари кўриляпти.

“Оғир” тоифадаги ёшлар билан ишлаш борасида мунтазам амалий ишлар йўлга қўйилди. Бу жараёнда 169 нафар ёш доимий назоратга олиниб, 15 нафари сектор, идора раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарларига бириктирилди. Улар 124 та муаммо бўйича мурожаат қилган бўлса, шундан 112 таси ижобий ечим топди. Асосий ёрдам турлари сифатида ёшлар доимий иш ўринларига жойлаштирилди, айримларига имтиёзли кредит, ер майдонлари ажратилди, қизиқишига қараб замонавий касбларга, илм-фан йўналишида ўқитилди.

Туманда 56 нафар жиноятчиликка ва ҳуқуқбузарликка мойиллиги бор ёшлар рўйхати шакллантирилиб, туман ҳуқуқ-тартибот идораларининг раҳбар ва ўринбосарларига, шунингдек, ҳарбий қисмлар командирларига номма-ном бириктириб чиқилди. Тарбияси оғир ёшлар ўртасида ҳарбий-ватанпарварлик ғояларини сингдириш, миллий ғурурни шакллантириш орқали юзага келаётган салбий ҳолатларни бартараф этишга астойдил киришилди. Шу асосда “Ватанпарварлар”, “Ёш чегарачилар”, “Ёш қутқарувчи”, “Ёш гвардиячи”, “Ёш ҳуқуқшунос” ҳарбий-спорт мусобақалари ўтказилиб, 736 нафар ёш қамраб олинди.

“Ёшлар бандлиги” дастури доирасида 677 нафар ишсиз ёш рўйхати шакллантирилган. Шу кунга қадар уларнинг 86 нафари доимий иш ўринларига жойлаштирилди, 152 нафари касб-ҳунарга ўқитилди, 27 нафарига субсидия асосида меҳнат қуроллари, 173 нафарига деҳқончилик учун экин майдонлари берилди, 118 нафарига тадбиркорлик қилиши учун 1 миллиард 566 миллион сўм миқдорда кредит ажратилди.

Миграциядаги ёшларга ҳуқуқий, моддий ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш масалаларини йўлга қўйиш учун улар билан доимий мулоқот ўрнатилди. Суҳбатларда хориждаги ёшларнинг 7 нафари таълим олиш учун, 425 нафари ишлаш учун чиқиб кетгани аниқланди. Шу кунга қадар Ватанга қайтган ёшларнинг 41 нафари ишли қилинди.

Туманда иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг салоҳиятини рўёбга чиқариш, илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятини самарали йўлга қўйиш учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, юқори натижаларга эришган иқтидорли йигит-қизларни аниқлаш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида 94 нафар йигит-қиздан иборат “Иқтидорли ёшлар баланси” шакллантирилди.



Ҳозирги кунда иқтидорли ёшлардан маҳаллаларда 32 нафар, таълим муассасаларида 78 нафар волонтёрлар шакллантирилиб, улар 9 та йўналиш бўйича ўз фаолиятини олиб бормоқда. “Ҳар бир маҳалла камида икки нафар дастурчи” лойиҳаси доирасида 105 нафар ёшни чет тилларига ўқитиш режалаштирилган. Ҳозиргача уларнинг барчаси инглиз ва немис тиллари бўйича сертификат олишга эришди. Бундан ташқари, “Ибрат фарзандлари” лойиҳаси бўйича 925 нафар ёш 21 та халқаро тилни бевосита онлайн ўрганиб келмоқда. “Келажак касблари” лойиҳаси доирасида ўқув марказларига жами 47 нафар ўқувчи қамраб олинган бўлса, шундан 30 нафари ўқишни якунлади. Шунингдек, “Мутолаа” лойиҳаси доирасида тумандан 508 нафар ёш электрон, аудио ва видео шаклидаги китобларни мутлақо бепул ўқимоқда.

Ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича муҳим вазифалар белгилаб олинган. Жорий йилда маҳалла ёшлари ўртасида анъанавий тарзда ўтказилиб келинаётган “Беш ташаббус олимпиадаси”нинг 2024 йилги мавсумига старт берилди. Унда маҳалла, мактаб, профессионал таълим ва оилй таълим талабалари орасида йил давомида 26 та танлов ва мусобақалар ўтказилиши режалаштирилган. Эътиборлиси, “Беш ташаббус олимпиадаси”да иштирок этиш учун 15 минг 736 нафар ёш онлайн рўйхатдан ўтди.

“Ёшларнинг бўш вақти – етакчининг иш вақти” тамойили асосида маҳалладаги ёшлар етакчилари ташаббуси билан йигит-қизларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишга қаратилган 858 та маънавий-маърифий, спорт тадбирлари ўтказилди. Ушбу тадбирларга 14 минг 516 нафар ёш қамраб олинди. Ёшлар салоҳиятини ошириш мақсадида мактабларнинг спорт мажмуаси, компьютер ва кутубхоналарида ҳар куни тўгарак ва машғулотлар йўлга қўйилиб, ўртача 500 нафардан ортиқ ёшнинг бўш вақти мазмунли ташкил этиляпти.

Умуман олганда, Кегейли туманида ёшлар билан ишлаш борасида ўзига хос ёндашувлар асосида иш олиб бориляпти. Бу жараёнда ҳеч бир ёш эътибордан четда қолмаяптики, бу иқтидорларни юзага чиқариш, кўмакка муҳтожларга манзилли ёрдам кўрсатиш, ёшлар тадбиркорлигини ривожлантиришда қўл келяпти. “Ёшлар баланси” орқали барча маҳаллалардаги йигит-қизлар ҳақида аниқ ва ишончли маълумотларга эгамиз, уларнинг нима билан шуғулланаётгани, қандай юмуш билан бандлиги — доимий назоратда. Сирасини айтганда, Кегейли маҳаллалари ёшлари улар учун яратилаётган имкониятлардан тўла фойдаланишга эришяпти.

МАНЗАРА

Мақсади катта ёшларга катта ўйингоҳ керак

Аввалига туман қишлоқ хўжалиги бўлимида ишлаганман. Ёшлар билан ишлаш таклифи тушганида дастлаб менда ҳаяжон бўлганди. Бироқ шу маҳалладан бўлганим ва барчани яхши таниганим боис бу вазифани мамнуният билан қабул қилдим.



Икром НИШОНБОЕВ, Нишон туманидаги Абдулла Қодирий номидаги маҳалла ёшлар етакчиси.

Айтишим мумкинки, ёшлар билан ишлашда хушмуомалалик, уларни тинглай олиш ва шунга кўра, уларга тўғри йўналиш бериш ёшлар етакчиси учун энг муҳим хусусият саналади.

Бугунги кунда ёшлар орасида чет тилига бўлган қизиқиш тобора ортиб боряпти. Айниқса, корейс тилига бўлган талаб жуда катта. Ҳозирда 11 нафар ёш ушбу тилни ўрганяпти. Мақсади — чет элда ўқиш ва ишлаш орқали ўз карьерасини қурмоқчи. Уларнинг айримлари коллежни тугатган. Аввалига улар ўз соҳаси бўйича корхона, фабрикада ишлаб юрди. Кейин Кореядан иш бўйича яхши таклиф тушгани сабаб тил ўрганишга киришди.

Аксарият ёшлар маҳалламизда тадбиркорлик ва деҳқончилик билан шуғулланиб, даромадини оширишга интилмоқда. Шундай йигитлардан бири Сардор Сатторов уйи ёнида озиқ-овқат дўкони очиб, оиласи билан бирга уни юритяпти. Савдодан келаётган фойда эвазига дўконни кенгайтириб, маҳсулот сотиш ҳажмини кўпайтирмоқчи. Шунингдек, 28 нафар ёшга аукцион орқали 50 сотихдан ер ажратилди. Ёшлар деҳқончиликни бошлашга катта қизиқиш ва шижоат билан киришди. Ер ажратилган пайтда иккинчи мавсум бошланди, ерга сабзавот ва маккажўхори экишди. Мисол учун, Нилуфар Умрзоқова аукционда берилган ерга маккажўхори экиб, ундан 13 миллион сўм миқдорида даромад кутяпти.

Маҳалламиз ёшлари учун очилган телеграм гуруҳда йигит-қизлар билан онлайн суҳбат ташкил қиламан. Унда ёшларни қийнаётган муаммоларни ўрганиб, уларга керакли тавсия ва маслаҳатларни бериб бораман. Ишсиз ёшларга бўш иш ўринлари ҳақида маълумот бериб, субсидия ва имтиёзли кредитларнинг ажратилиши қай тартибда амалга оширилишини тушунтираман.

Ҳар куни мактабга профилактика инспектори билан бориб, ўқувчилар давоматини текшираман. Шу тариқа уларнинг ўқиши, дарсдаги иштироки ва хулқ-атворини доимий назоратга оламан. Қизиқишларини сўраб, ота-оналари билан алоҳида гаплашаман. Уларга йигит-қизларни ҳозирдан касб-ҳунарга тўғри йўналтириш лозимлигини бот-бот такрорлайман. Яқинда Оғабек Нурмаҳмадовнинг онаси ўғлининг компьютерга қизиқиши борлигини билдирди. Йигит 11-синфда ўқийди. У билан гаплашиб, истаса, IT соҳасини ўрганиб, келажагини ушбу замонавий касб билан боғлаши мумкинлигини айтдим. Эшитиб хурсанд бўлди. Уни ўзимизнинг IT курсларига ва “Беш ташаббус олимпиадаси”га жалб этдим. Кейинги йил ушбу соҳа бўйича университетга ўқишга топширишни мақсад қилган.

Эҳтиёжманд, ногиронлиги бор ва боқувчисини йўқотган ёшларнинг аҳволидан мунтазам хабар оламан. Шундай ёшлардан 3 нафарига даволаниш харажатларини тўлаб бердик. 2-гуруҳ ногирони Гулноза Мамирова руҳий касаллиги боис доимий равишда яқинларининг назоратида. У бошқа маҳалладан бизга келин бўлиб тушган. Аҳволини ўрганиб, аёлни “Ёшлар дафтари”га киритдик. Ҳар 6 ойда шифохонада даволанади. Бу галги дори-дармон харажати маҳалла томонидан қоплаб берилди. Дурдона Тоғаева ҳам руҳий касаллик билан 2-гуруҳ ногирони ҳисобланади. Оилада 3 фарзанд бўлиб, боқувчиси йўқ. Онаси билан ёлғиз яшайди. Унга дори-дармон олиши учун бир марталик моддий ёрдам кўрсатдик. Қизга маҳалладаги тикувчилик ёки ўқув курсларида ўқиши мумкинлигини, уни қўллаб-қувватлашимни айтдим.

Бу йил кам таъминланган оила фарзандларининг 11 нафарига шартнома пулининг 25 фоизи тўлаб берилди. Жумладан, Жавоҳир Ҳасанов оилада икки фарзанд, ота-онаси ишламайди. Акаси кунлик ишда ишлаб, оила тебратади. Ўзи ўқишдан бўш вақтида меҳнат қилиб, кундалик харажатларини қоплайди. Унинг ўқиши учун 1 миллион 800 минг сўм миқдорида маблағ ажратдик. Азамат Қосимовга ҳам боқувчисини йўқотгани ва оилавий шароити оғирлиги учун унинг ҳам шартнома пули қоплаб берилди.

Маҳалламиз ёшларининг спортга бўлган қизиқиши ўзгача. Айниқса, спортнинг футбол турига. Ҳатто футбол бўйича ўтказилган мусобақада туманда биринчи ўринни қўлга киритишди. Аммо ҳудудимизда шу билан боғлиқ кичик муаммо бор. Маҳалламиз катталиги боис йиғинда қурилган мини стадион маҳалланинг барча ёшларини қамраб олмайди. Таклифим шундан иборатки, мини стадион ўрнига катта спорт мажмуасини қурсак, келгусида яхши футболчилар етишиб чиқарди. Ёшлар орасида катта майдонларда футбол ўйнаб, Ватанимиз шаънини ҳимоя қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўйганлари талайгина. Улар учун ушбу мажмуанинг қурилиши катта совға бўларди.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Шукрулло ОЛИМОВ. Сайхунобод тумани:

— Мен илмий иш билан шуғулланиб, тез кунда илмий даражани (PhD) ҳимоя қиламан. Отам мен ишлаётган кафедранинг мудири ҳисобланади. Саволим шуки, олийгоҳда отаси кафедра мудири бўлиб ишласа, фарзанди шу кафедрада ўқитувчи лавозимида ишлай оладими? Ёки бу манфаатлар тўқнашуви сифатида баҳоланадими?

Ота ва бола битта кафедрада ишлаши мумкинми?




Муҳаммадамин КАРИМЖОНОВ, Тошкент давлат юридик университети катта ўқитувчиси, эксперт:

— Меҳнат кодексининг 121-моддасига асосан, ўзаро яқин қариндош ёки куда томондан қариндош бўлган шахсларнинг (ота-она, ака-укалар, опа-сингиллар, ўғиллар, қизлар, эр-хотин, шунингдек, эр-хотиннинг ота-онаси, ака-укалари, опа-сингиллари ва фарзандлари) айнан битта давлат ташкилотида бирга хизмат қилиши, агар уларнинг бирга хизмат қилиши улардан бирининг иккинчисига бевосита бўйсунишига ёки унинг назорати остида бўлишига боғлиқ бўлса, тақиқланади. Бироқ ушбу қоида бўйича истиснолар Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган.

Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексини амалга ошириш учун зарур бўлган норматив ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 1997 йил 11 мартдаги 133-сон қарори 3-илова 6-бандига асосан, давлат (акционерлик) корхоналарининг Меҳнат кодексининг 79-моддасида (янги Меҳнат кодексининг 121-модда) назарда тутилган қариндош-уруғларнинг, агар уларнинг хизматлари улардан бирининг бошқасига бевосита бўйсуниши ёки назорати остида бўлиши билан боғлиқ бўлса, бирга хизмат қилишларини чеклаш қоидаларидан истисно этилиши мумкин бўлган ходимлари рўйхатида барча ўқув ва тарбия муассасаларидаги педагог ходимлар, ўқитувчилар, библиографлар ва кутубхоначилар мавжуд.

Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 февралдаги тегишли қарори билан тасдиқланган “Олий таълим муассасаларига педагог ходимларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисида”ги низомнинг 2-бўлим 2-бандига асосан, педагог ходимлар тоифасига кафедра мудири, профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент) ўқитувчи-стажёр лавозимини эгаллаб турган шахслар киради. Демак, кафедра мудири ҳам педагог ходим ҳисобланади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб хулоса қилишимиз мумкинки, ота ва бола битта кафедрада ишлаши “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги қонун нормаларига зид эмас.



Шаҳарсозликда Хитойнинг ЦИНДАО ШАҲРИ билан ҳамкорлик ривожланади.



Магистратурага тўлов-контракт асосида ҚЎШИМЧА ҚАБУЛ ҚИЛИШ учун рухсат берилди.



Мактабларда КУЗГИ ТАЪТИЛ 4 ноябрда бошланиб, 9 ноябргача давом этади.

ҲОЛАТ

Эзгу мақсад йўлида бирлашсак, ҳар қандай муаммо барҳам топади

Давлатимиз раҳбари қайд этганидек, бугунги кунда ҳамма иш маҳаллада, халқимиз билан биргаликда ташкил қилинмоқда. Бу тизим босқичма-босқич ривожлантирилмоқда, унга қўшимча куч, имкониятлар берилянти. Бу, албатта, ҳам ваколат, ҳам масъулият дегани.



Гулнора МАТМУРАТОВА,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Ҳазорасп тумани бўлими бошлиғи.

Дарҳақиқат, бугун мамлакат каби маҳаллалар тараққиётида янги давр бошланди. “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида белгиланган юксак мақсад ва вазифалар асосида маҳалла тизимида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Инсон қадри, меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик, миллатлараро дўстлик ва тотувлик, маънавият ва маърифат, маданият ва санъат, спорт ва илм-фан ривожи, ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, аввало, маҳалладан бошланади. Бу борада Ҳазорасп туманида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, туманнинг 398 та кўчасида “Обод кўча” мезони асосида инфратузилмалар яхшиланди. Ички кўчаларнинг 25 км. қисмига шағал ётқизилиб, 27 км. қисми асфальтланди. Шунингдек, 101 километрдаги лоток, ариқ, канал ва коллектор-зовурлар тозаланиб, 6 км. ичимлик сув тармоғи, 1 та сув тарқатиш иншооти мукаммал таъмирланди. Бундан ташқари, аҳолини газ билан узлуксиз таъминлаш чоралари кўрилди. Электр энергия соҳасидаги мавжуд муаммолар бартараф этилиб, 46 та трансформатор таъмирланди, 8 таси янгиланди. 644 дона симёғоч бетон устунларга алмаштирилиб, 52 км. электр симлари тортилди.

Давлатимиз раҳбари “маҳалла еттилиги”га қўйган асосий вазифалардан бири – маҳаллаларни ишсизликдан холи ҳудудга айлантиришдир. Бу борада барча маҳаллаларда хатлов ўтказилиб, “Омбор китоби” шакллантирилди. Ҳар бир маҳаллада ишсиз фуқаролар билан манзилли ишлаш бўйича Бандлик дастурлари ишлаб чиқилиб, 5 188 нафар ишсиз фуқаронинг рўйхати тузилди. Шундан 4 918 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланди, 6 174 нафар шахснинг ўзини ўзи банд қилишига кўмаклашилди, 233 нафар фуқарога 1 млрд. 500 млн. сўм миқдорида субсидия, 966 нафарига 25 млрд. 600 млн. сўм кредит олишига кўмаклашилди.





Маҳаллаларнинг молиявий имкониятларини ошириш мақсадида маҳалла фуқаролар йиғинларида ўзларининг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш учун махсус жамғарма ташкил қилинди.

Тумандаги маҳаллаларда истиқомат қилувчи кам таъминланган оилаларнинг 50 нафар фарзандининг суннат тўйлари ҳомийлик асосида ўтказиб берилди. Шунингдек, кам таъминланган 267 та оилани қўллаб-қувватлаш мақсадида уларга кўмир ва шоли маҳсулотлари бепул етказилди. 90 961 нафар шахс тиббий-кўрикдан ўтказилиб, уларнинг 41 200 нафари бепул даволанди, 270 нафари жарроҳлик амалиётидан ўтди.

Маҳаллаларнинг молиявий имкониятларини ошириш мақсадида фуқаролар йиғинларида ўзларининг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш учун махсус жамғарма ташкил қилинди. Январь-сентябрь ойларида туманда мавжуд 47 та маҳалланинг мазкур жамғармасига 1 млрд. 671 млн. 662 минг сўм келиб тушган. Шундан 806,7 млн. сўми маҳаллалар ҳудудини ободонлаштириш ва таъмирлаш, асосий воситалар ва инвентарлар билан жиҳозлаш, жиноятчиликдан холи ҳудудга айлантириш мақсадида видеокузатув қурилмалар билан таъминлашга йўналтирилди.

“ОПЕК” жамғармасининг “Қишлоқ жойларни барқарор ривожлантириш” лойиҳаси доирасида тумандаги “Мухомон” ва “Бўстон” маҳаллаларида 3 қаватли Маҳалла маиший хизмат кўрсатиш маркази қурилиши амалга оширилмоқда. “Шодухуррам” маҳалласида эса 150 қатновли қишлоқ врачлик пункти биноси бунёд этилмоқда.

Мамлакатимиз мустақиллигининг 33 йиллигига 33 та лойиҳа танловида “Гулзор” маҳалласи “Намунали оилалари кўп”, “Мухомон” маҳалласи “Ишсизликдан холи” номинацияси ғолибига айланиб, ҳар бири 15 млн. сўм пул мукофоти билан тақдирланди.

Бир сўз билан айтганда, бугун жамиятда маҳалла аралашмайдиган, унга тааллуқли бўлмаган масаланинг ўзи йўқ. Маҳаллалардаги жамоатчилик тузилмалари — “Маҳалла назорати” ва “Кексалар маслаҳати” гуруҳларига, “Оқила аёллар” ҳаракатига энг фаол ва жонкуяр фуқароларни жалб этиб, уларни эзгу мақсад йўлида сафарбар этсак, ҳар қандай муаммони ҳал қиламиз.

НАТИЖА

ҚОНУНИЙ ФАОЛИЯТ, БУ — БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ВА ХОТИРЖАМЛИК ДЕГАНИ



“Маҳалла еттилиги”нинг жорий этилиши, аввало, аҳоли муаммоларини маҳалланинг ўзида бартараф этиш, кўплаб масалаларга биргаликда ечим топиш имконини яратди.

Хусусан, солиқ хизмати органининг маҳалла даражасига туширилиши, аҳолининг солиқ маданиятини юксалтириш, уларни тадбиркорликка кенг жалб қилиш, яширин иқтисодиётнинг олдини олиш, ўзини ўзи банд қилган фуқароларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаган ҳолда кичик бизнесга йўналтириш, “Солиқчи – кўмакчи” тамойили асосида тадбиркорларнинг мурожаатларини ижобий ҳал этишда муҳим омил бўлмоқда.

Бугунги кунда Навоий вилоятида 330 та маҳаллага 167 нафар солиқ ходими бириктирилган. Уларнинг ҳар бир солиқ тўловчи билан бевосита иш олиб бориши, ҳуқуқий ва амалий ёрдам кўрсатиши натижасида 3 626 та корхонадаги 13 731 нафар ходимнинг норасмий фаолияти қонунийлаштирилди. Бунинг самарасида бюджетга қўшимча 2,8 млрд. сўм миқдорида даромад солиғи ҳисобланди.

“Қонуний фаолият – барқарор ривожланиш ва хотиржамлик” тамойили асосида вилоятда тегишли тартибда рўйхатдан ўтмасдан фаолият юритиб келган 4 018 та хўжалик юритувчи субъект фаолияти расмийлаштирилди. Ўз навбатида, вақтинчалик молиявий қийинчиликларга дуч келган 1 739 нафар тадбиркорнинг фаолияти тикланди. 55 241 нафар фуқаронинг ўзини ўзи банд қилиши таъминланди.

Шунингдек, “Солиқчи – кўмакчи” тамойили асосида тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш натижасида 7 319 нафар тадбиркорнинг товар айланмаси 14,7 млрд. сўмга оширилди. Яъни, қўшимча 6,3 млрд. сўм миқдорида айланмадан олинадиган солиқ манбаси шакланди. Шу билан бирга, жорий йилда аҳоли тураржойлари учун ҳисобланган 111,9 млрд. сўм мол-мулк ва ер солиқларининг ундирилиши натижасида маҳаллалар ихтиёрида 11,2 млрд. сўм миқдорида маблағ қолиши кўзда тутилмоқда. Бугунги кунга қадар 7,4 млрд. сўм маҳаллалар ихтиёрида қолдирилди.

Албатта, “маҳаллабай” ишлаш тизимининг жорий этилиши билан маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳолининг реал даромадларини ошириш, янги иш ўринларини яратиш борасида пухта режа асосида ўз ишини тўғри ташкил этиб келаётган соҳа ходимлари меҳнати, аниқроғи, иш самарадорлиги муносиб рағбатлантирилмоқда. Жумладан, самарадорлик кўрсаткичи натижаларига кўра, жорий йил сентябрь ойи якуни бўйича вилоят миқёсида 100 балл олган 2 нафар ходимга 200 фоиздан, яна 2 нафар ходимга 150 фоиздан, 6 нафар ходимга 100 фоиздан, 27 нафар ходимга эса 50 фоиздан ойлик маошига қўшимча устама берилди.

Нуриддин РАҲИМОВ,
Навоий вилояти солиқ бошқармаси матбуот хизмати раҳбари.

СОЛИҚЧИ – КЎМАКЧИ

Яширин иқтисодиёт занжири узилмоқда

Навоий вилоятининг энг олис ҳудуди – Учқудуқ тумани марказида жойлашган “Дўстлик” маҳалласида 7 705 нафар аҳоли истиқомат қилади. Одамларнинг асосий юмушлари хизмат кўрсатиш ва тадбиркорлик. Ҳозирда 109 та юридик шахс, 67 нафар якка тартибдаги тадбиркор фаолият юритмоқда.

Салоҳиддин ИБОДУЛЛАЕВ,
Учқудуқ туманидаги “Дўстлик” маҳалласи солиқ инспектори.

Бу соҳани янада кенгайтириш, аҳоли бандлиги ва даромадини ошириш мақсадида “маҳалла еттилиги” билан биргаликда фуқароларга солиқ қонунчилигининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини тушунтиряпмиз. Шунингдек, тадбиркорлик субъектлари билан доимий мулоқотда бўлиб, уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириб, иқтисодий жиноятнинг салбий оқибатларидан хабардор этяпмиз. Онлайн назорат-касса машиналаридан мунтазам тарзда фойдаланиш, харид чекларини бериш, ишчи-ходимлар сонини яширмаслик, ҳисоботларни ўз вақтида топшириш, камчилик ва хатоликларга йўл қўймаслик кераклигини айтяпмиз. Айрим тадбиркорларга бухгалтерия ҳисобини юритиш ва солиқ ҳисоботларини топширишга кўмаклашяпмиз. Муҳими, солиқ тўловчилар билан дўстона мулоқотни йўлга қўйдик.

Бу, ўз навбатида, аҳолининг тадбиркорлик билан шуғулланиши, қонуний фаолият юритиб, ўзи ва оиласини даромадли қилиш имкониятини берди. Қолаверса, одамларнинг солиққа оид билимлари яхшиланиб, солиқ тўловларини ўз вақтида тўлашга ҳаракат қиляпти.

Бугун солиқ ислоҳотларининг амалий натижасини ҳар бир фуқаро, тадбиркор кундалик ҳаётида сезиши шарт. Шу боис солиқ тўловчиларга яратилаётган қулайликлар билан бирга, мол-мулк ва ер солиғидан тушадиган солиқ тушумларнинг 10 фоизи “Маҳалла бюджети”да қолишини, ушбу маблағлар маҳаллада янги иш ўрни яратишга, аҳолининг оғирини енгил қиладиган лойиҳаларга йўналтирилиши ҳақида маълумот берилмоқда.



Хатлов натижаларида 28 та ноқонуний фаолият олиб бораётган тадбиркорлик субъектининг қонуний фаолият кўрсатишига кўмаклашдик. 35 та корхонада норасмий меҳнат қилаётган 96 нафар ишчининг расмий бандлиги таъминланди. Вақтинчалик молиявий қийинчиликка дуч келган 3 та тадбиркорлик субъектининг фаолияти тикланди. Қўшимча 58 та объект аниқланиб, 33,6 млн. сўм солиқ ҳисобланди. 323 нафар фуқаро ўзини ўзи банд қилди. Шу тариқа 133 млн. сўм қўшимча манба топилди. Биргина жисмоний шахсларнинг тураржой объектларидан январь-октябрь ойларида 177 млн. сўм солиқ ундирилди. Йил охирига қадар бу кўрсаткич 227,8 млн. сўмга етади ва “Маҳалла бюджети”га 22,8 млн. сўм қолади.

“Маҳалла еттилиги” таркибига солиқ инспекторлари қўшилгач, ноқонуний савдо ва товарлар савдосига чек қўйилди. Тадбиркорлик фаолияти қонунийлаштирилди. Панада даромад топаётган ва тушумлари ҳеч қаерда акс этмаётган яширин иқтисодиёт занжирлари узилмоқда. Энг муҳими, меҳнатларимиз муносиб рағбатлантирилмоқда. Хусусан, “маҳаллабай” ишлаш тизимининг август ҳамда сентябрь ойи натижаларига кўра, кетма-кет 100 баллик кўрсаткични қайд этиб, Солиқ қўмитаси раҳбарининг махсус ташаккурномасини қўлга киритиб, қўшимча пул мукофотига эга бўлдим.



Бош вазир ўринбосари ЖАМШИД ҚУЧҚОРОВ Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти бош котиби Асад Мажид Хон билан учрашади.



МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари сайлови натижаларини эълон қилди.



Сайловда 15 миллион 27 минг 529 нафар сайловчи ёки жами сайловчиларнинг 74,72 фоизи ОВОЗ БЕРИШда иштирок этди.

ТАҲЛИЛ

Йиғинлар “Бир маҳалла — бир маҳсулот” тамойили асосида ихтисослашган

Қибрай туманидаги маҳаллалар “Бир маҳалла — бир маҳсулот” тамойили асосида мева-сабзавот етиштириш, иссиқхоналар ташкил этиш, чорвачилик, паррандачилик, асаларичилик, қуёнчилик каби йўналишларга ихтисослаштирилди. Маҳаллаларда етиштирилаётган турли маҳсулотлар нафақат мамлакатимизда сотилмоқда, балки хорижга экспорт қилинмоқда.



Дилшод МАМАЖОНОВ, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Қибрай тумани бўлими бошлиғи.

Ҳоким ёрдамчилари кўмагида маҳаллаларда ишсизлик ва камбағалликни қисқартириш борасида сезиларли натижага эришдик.



Тижорат банклари кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш йўналишида аҳоли бандлигини таъминлаш борасида 33,8 млрд. сўмлик кредит маблағлари ажратиб, 1 702 нафар аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш орқали янги иш ўрни яратилди.

“Бизнесга биринчи қадам” йўналиши бўйича 1 006 нафар фуқарога тадбиркорлик фаолиятини бошлашига кўмаклашиш учун 15 млрд. сўм кредит ажратилди. Оилавий тадбиркорлик дастури доирасида “Халқ банки” 699 та лойиҳага 8,2 млрд. сўм кредит берди. Қизиқишига кўра, 726 нафар талабгор касб-ҳунар марказларига йўналтирилди. Бандлик дастурлари доирасида маҳаллаларга банк масъуллари бириктирилиб, ишсизликдан холи ҳудудга айлантириш бизнес дастури ишлаб чиқилди. “Маҳалла еттилиги” ташаббуси билан 3 659 нафар аҳолининг бандлиги таъминланди.

Ҳудудларда “маҳаллабай” ва “фуқаробай” иш ташкил этилиши натижасида барча масалалар маҳалланинг ўзида ҳал этилмоқда. Биргина мисол, авваллари хонадонлардан чиққан маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб кетиш маҳалла раисларига “бошоғриқ” эди. Президентнинг “Маҳаллаларни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва қиёфасини тубдан яхшиланишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори асосида ушбу муаммонинг ўз эгаси топилди. Эндиликда бу масалалар билан Маҳалла сервис компаниялари шуғулланади. Қибрай туманидаги “Наврўз” маҳалласида тажриба тариқасида ташкил этилган “Маҳалла сервис компанияси” иш бошлади. Қувонарлиси, ушбу компанияда 6 нафар ишсиз фуқаро *(дурадгор, сантехник, электрик, пайвандчи, қурувчи, кўчаларни ободонлаштириш учун махсус бригадалар ва бошқа)*нинг бандлиги таъминланди.



Давлат раҳбарининг “Камбағалликни қисқартириш ва аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш борасидаги чора-тадбирларни янги босқичга олиб чиқиш тўғрисида”ги фармони асосида маҳаллаларда тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Қисқа фурсатда “маҳалла еттилиги” иштирокида ижтимоий реестрдаги 1 925 та камбағал оила 4 та тоифага ажратиб олинди. Шу билан бирга, реестрга кирмаган камбағал оилалар 5-тоифага бириктирилди. Бугунгача 92 та оила камбағалликдан чиқарилди. Йил якунига қадар тумандаги камбағал оилаларни тўлиқ ўрганиб чиқиб, камбағаллик даражасини 3,2 фоизга тушириш режалаштирилган

Жорий йил “Аёллар дафтари”нинг 5-босқичига 5 минг 695 нафар эҳтиёжманд хотин-қиз киритилиб, тоифалар кесимида зарур ёрдамлар кўрсатилди. Жумладан, ижтимоий ҳимояга муҳтож, ишсиз 2 176 нафари доимий иш билан таъминланди. Тадбиркорлик қилиш истагида бўлган 638 нафарига имтиёзли кредит ажратилиб, фаолиятларини бошлашига кўмаклашилди. Боқувчиси бўлмаган минг нафар эҳтиёжманд ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган 1 384 нафар хотин-қизга бир марталик моддий ёрдам ажратилди. 14 нафарига 36 млн. 900 минг сўм ижара тўлови тўлаб берилди. Қарамоғида ногирон фарзанди бор 483 нафар эҳтиёжманд аёлга бир марталик моддий ёрдам тақдим этилди.

Шунингдек, “Аёллар дафтари”га киритилган ногиронлиги ҳамда тез тиббий ёрдамга эҳтиёжманд 36 нафар хотин-қиз ва уларнинг фарзандларига соғлиғини тиклаш ва дори-дармон воситалари олиб бериш ҳамда мураккаб жарроҳлик амалиётлари учун 386 млн. 560 минг сўм ажратилди. Олий таълимда таҳсил олаётган 13 нафар хотин-қизнинг шартнома пуллари тўланди. Тадбиркорлик қилиш истагидаги 6 нафарига тикув машинаси берилди. 84 нафарининг уй-жойи таъмирланиб, яшаш шароити яхшиланди.

Бир сўз билан айтганда, маҳаллалардаги муаммоларни “еттилик” ҳал этмоқда.



СУД ҲУКМИ

СОХТА “ГАЗЧИ” ФУҚАРОЛАРНИ ЧУВ ТУШИРДИ



БИР ЙИЛ ИШЛАБ, ТУМАН “ҲУДУДГАЗТАЪМИНОТИ” КОРХОНАСИДАН БЎШАБ КЕТГАН АЗИЗ БИРОР ИШНИНГ БОШИДАН ТУТМАДИ. ИЖТИМОИЙ ТАРМОҚЛАРДА ИШ ЎРИНЛАРИ ЭЪЛОНЛАРИНИ КУЗАТИБ, ИШ ТАВСИЯ ҚИЛГАН ХОТИНИГА БИРИНИ УЗОҚ, БИРИНИНГ ОЙЛИГИ КАМ, ЯНА БИРИГА БОШҚА БАҲОНАЛАРНИ РЎКАЧ ҚИЛИБ, УЯЛИ ТЕЛЕФОНИНИ ТИТИБ ЎТИРИШДАН ҚИЗИҚРОҚ МАШҒУЛОТ ТОПА ОЛМАДИ.

Унинг ишламай, рўзғор юкини хотини елкасига ташлаб қўйишидан зада бўлган рафиқаси шу зайлда давом этаверса, вояга етмаган фарзандини олиб, ота уйига кетиши ва ажрашишини маълум қилди. Ноилож қолган Азиз шунда ҳам ҳийла ишлатиб, гўёки иш қидирган бўлиб кўчага чиқиб кетадиган, бекорчиликдан тентираб келадиган одат чиқарди.

Хотини бу шумлигини ҳам билиб қолгач, фириб йўлига ўтди. У 1935 йилда туғилган, ёлғиз яшовчи С.Галинанинг уйига ташриф буюрди. Унинг газ ҳисоблагич мосламасининг йўқлигини билган ҳолда жарима билан “қўрқитиб”, газ ҳисоблагични ўз нархида қўйиб беришга ваъда бериб, 350 минг сўм пулини олади. 1947 йилда туғилган Б.Жаннадан 500 минг сўм, 1975 йилда туғилган Алишердан 600 минг сўм, Д.Валентинанинг газ плитасини таъмирлашнинг имкони йўқлиги, ис газидан заҳарланиши мумкинлигини айтиб, плитани янгилаб бериш шарти билан 1 млн. 200 минг сўмини олиб, чув тушириб кетади.

Шу тариқа Азиз 2023 йилнинг август-сентябрь ойларида фуқароларнинг 2 млн. 650 минг сўм пулларини олиб, ўз эҳтиёжларига ишлатиб юборади.

– Ҳадеганда газ ҳисоблагич келавермагач, Галина газ таъминоти корхонасига Ботирни излаб боради. Бироқ корхонадагилар бундай ишчи йўқлигини айтишади. Бошқа жабрдийдалар ҳам турли исмли газ хизматчисини қидириб боришганда, фирибгарнинг тузоғига илинганини сезиб, ички ишлар органларига мурожаат қилишади, ***– дейди Яшнобод тумани ИИО ФМБ ҳузуридаги Тергов бўлими терговчиси, капитан Б.Бекназаров.*** *– Жабрдийдаларнинг алданиб қолишига яна бир сабаб, Азиз бу хонадонларга ташриф буюрганда ҳеч ким унинг ҳужжатларини сўрамаган, ҳақиқатдан ҳам “Hududgazta'minot”да ишлаш-ишламаслигини текширмаган.*

Жиноят ишлари бўйича Яшнобод тумани суди 1998 йилда туғилган Азизнинг қилмишини очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб, уни Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисми “б” банди (“Фирибгарлик”) билан айбли, деб топди. Унинг пушаймонлиги, жабрланувчиларга етказилган зарарни тўла қоплаганлиги, оиланинг ягона боқувчиси эканлиги инобатга олиниб, иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда, 2 йилга ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилди.

Нилуфар ИСОХОНОВА, Тошкент шаҳар ИИБ Ахборот хизмати бошлиғи.

ПРОФИЛАКТИКА ҲУДУДИ

Овул осойишта, оилалар ҳам тинч

Туман марказидан бироз четроқда жойлашган Атакўл овулида уч мингдан ортиқ аҳоли яшайди. Уларнинг асосий қисми деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланади. Овул катта, тўртта аҳоли пункти бор. Ҳудуди 14 километргача чўзилган. Бу ерда йирик ишлаб чиқариш корхоналари, ижтимоий объектлар йўқ. Фақат иккита мактаб, иккита боғча, битта қишлоқ врачлик пункти бор, холос.

Байрам БИКЕМБЕТОВ, Тахтакўпир туманидаги Атакўл овул фуқаролар йиғини профилактика инспектори.

Овулда яйлов ерлар кўп. Шу боис аҳоли чорва молларини яйловларда боқишади. Бироқ қаровсиз қолдирилган молларни ўғирлаш ҳолатлари кузатилган. Дастлабки фаолиятимдаги таҳлиллар ҳам жиноятларнинг асосий қисми мол ўғрилиги эканини кўрсатган. Шунинг учун фуқаролар ўртасида тарғибот ишларини олиб бориб, молларини назоратсиз қолдирмаслигини тушунтирдик. Кўча боши ва фаол фуқаролар иштирокида тунги назорат тадбирлари ўтказилмоқда. Овулнинг асосий кириб-чиқиш кўчаларига видеокузатув қурилмалари ўрнатдик.

Ана шундай саъй-ҳаракатларимиз натижаси ўлароқ, бугун овулда жиноятчилик йўқ. Оилалар тинч. Бир сўз билан айтганда, ҳудуд осойишталиги, одамларнинг тинч-тотув яшаши учун маҳалланинг “қулф-калити”ни яратдик. Албатта, ишлар тўхтаб қолгани йўқ, тизимли давом эттирилмоқда.



Биринчи навбатда, фуқаролар билан доимий мулоқотда бўлиб, “маҳалла еттилиги” ҳамкорлигида жиноятчиликка мойиллиги бор ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар билан манзилли ишлаяпмиз. Ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини, уларга имкон берувчи шароитларни аниқлаб, бартараф этиш чораларини кўряпмиз. Аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириб, жиноятнинг салбий оқибатларини амалий мисоллар ёрдамида тушунтиряпмиз.




Кўча боши ва фаол фуқаролар иштирокида ҳудуд бўйлаб, тунги назорат тадбирлари ўтказилмоқда.

Биласиз, жиноятчиликнинг асл илдизи бекорчиликдан келиб чиқади. Шу боис “еттилик” иштирокида ишсиз аҳолини, айниқса, ёшларни мавжуд имкониятлардан келиб чиқиб, ишли қилишга ҳаракат қиляпмиз. Энг муҳими, вояга етмаганлар ва ёшларнинг ҳуқуқий онгини ошириш, уларни соғлом турмуш тамойиллари асосида тарбиялаш орқали ижтимоий жиҳатдан хавфли хатти-ҳаракатлар содир этилишининг барвақт олди олинмоқда. Ёшларнинг бўш вақтини янада самарали ўтказиш учун умумтаълим мактабларида фан ва спорт тўгараклари йўлга қўйилди.

Қувонарлиси, овулнинг ўзида яшаб, ишлашим учун менга хизмат уйи, узоғимни яқин қилиш учун хизмат машинаси берилган. Бундай қулайликлар кечаю кундуз ўз ҳудудимда бўлиб, ҳар бир хонадон билан самарали ишлаш, маҳаллада жиноятчиликнинг олдини олиш, фуқаролар осойишталиги ва хавфсизлигини таъминлашида ўзининг ижобий натижаларини кўрсатмоқда.

Келгуси режаларимдан бири — мана шундай имкониятлардан фойдаланган ҳолда тарғибот ишларини янада кучайтириб, ишсизларни камайтириб, овулни жиноятдан холи ҳудудда сақлаб қолишдир.



2 ноябрь куни Бойсун туманида анъанавий “ОЛМА САЙЛИ” фестивали бўлиб ўтади.



Жорий йилнинг 9 ойида 193,5 минг ўзбекистонлик хорижий мамлакатларга КЎЧИБ КЕТДИ.



Ўртача номинал ҳисобланган ИШ ҲАҚИ йиллик кўрсаткичда 4,42 миллион сўмдан 5,15 миллион сўмга ўсди.

НАТИЖА

МИРЗА БОБОНИНГ ЯҚИНЛАРИ ТОПИЛДИ



Мирза бобо бундан 40 йилча олдин Тожикистон Республикасидан Сирдарё вилоятининг Ховос туманига келиб қолган. У оилавий низолар туфайли ўз юрти ва яқинларидан узоқда, ёлғиз яшаб келаётган эди. Ўтган давр мобайнида Мирза бобо тумандаги корхоналарда ишлашга ҳаракат қилди. Аммо соғлиғидаги муаммолар туфайли меҳнатга лаёқатсиз бўлиб қолди.

Ҳозирда 72 ёшни қаршилаган қаҳрамонимизга Ховос тумани “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази қатор хизматлар билан бирга, психологик ёрдам ҳам кўрсатди. Суҳбат жараёнида унинг қариндошлари билан муносабатларини тиклаш истаги билан яшаётгани сезилиб турарди.

Мирза бобонинг хоҳишини рўёбга чиқариш мақсадида ижтимоий ходим ва у киши истиқомат қилиб келаётган ётоқхона масъуллари биргаликда қариндошларини топишга эришди. Яқинлари Мирза бобони кўп йиллар давомида излаётганини таъкидлаб, у кишини она ватанига олиб кетиши ва ўзлари парваришлашини билдирди.

Туман ички ишлар бўлими билан ҳамкорликда Мирза бобога хорижга чиқиш паспорти тайёрланиб, Тожикистон Республикасига кузатиб қўйилди.

Айни вақтда “Инсон” маркази масъуллари қўшни республика расмийлари билан Мирза Жалиловнинг нафақасини ҳам кўчириш чораларини кўришмоқда.

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги матбуот хизмати.

ЖАРАЁН

Саъй–ҳаракат самараси яққол акс этаётир

Бирор ишга киришишдан олдин инсон, аввало, ўз олдига аниқ мақсад қўйиши керак. Айниқса, маҳалла тизимида бу катта аҳамиятга эга. Шу маънода биз ҳам халқнинг турмуш шароитини яхшилаш, аҳолини камбағалликдан чиқариш сари илдам одимлаяпмиз. Қилинаётган саъй-ҳаракатлар секин-аста ўз самарасини кўрсатмоқда.

Маҳмуд ҲАЛИМОВ,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Вобкент тумани бўлими бошлиғи.

Туманимизда 44 та маҳалла фуқаролар йиғини мавжуд бўлиб, уларда 148 минг 670 нафар аҳоли, 31 минг 608 та хонадон мавжуд. Шундан 3 минг 476 та оила камбағаллик рўйхатига киритилган. Улар орасидан энг оғир аҳволдаги 727 таси танлаб олиниб, вилоят, туман ташкилоти раҳбарлари ва тадбиркорлар масъул этиб бириктирилди.

“Латифсобунгар” маҳалласида яшовчи камбағал оила Наргиза Саидованинг уй-жойини таъмирлаш мақсадида 4 миллион сўмлик қурилиш ашёлар олиб берилди. Хонадонининг том қисмини янгилаб, куз-қиш мавсуми учун шай ҳолатга келтирди.

Хумриён қишлоғида яшовчи яна бир эҳтиёжманд аёл Шаҳло Йўлдошевага уй-жойини таъмирлаш учун 4,5 миллион сўмлик қурилиш маҳсулотлари тақдим этилди. Ҳаётда анча қийинчилик кўрган бу фуқаро кўрсатилган кўмакдан ниҳоятда хурсанд бўлди.

Инсонларга шу тарзда берилаётган моддий ёрдам уларнинг айрим муаммоларига ечим бўлиши мумкин, холос. Келажакда тўкин-сочин ҳаёт кечириши, бошига тушадиган ташвишларини енгиб кетиши учун биринчи навбатда, доимий фаолият тури билан банд бўлиши зарур. Шу мақсадда туманимизда бир қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, камбағал оилаларга 8,2 минг бош парранда *(4,5 минг бош тухум йўналишида, 3,5 минг бош гўшт йўналишида ҳамда 0,2 минг бош бедана)*, 420 бош чорва моллари *(шундан, 265 бош майда шохли, 65 бош эчки ҳамда 90 бош йирик шохли)*, 287 та асалари қутилари, 52 та хонадонга 1-3 сотихдан ихчам ва устунли иссиқхона ҳамда 21 та хонадонга мотороллер ва мотокультиватор каби техник воситалар олиб берилди.

Давлатнинг одамларга кўрсатаётган кўмаги қайсидир маънода улар зиммасига масъулият юклаётганини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз. Кўпчилик билдирилган ишонч ва берилган имкониятдан унумли фойдаланиш мақсадида астойдил меҳнат қиляпти. Кундан-кунга қўли пул кўриб, дастурхони тўкин-сочин бўлиб бормоқда.



Давлатнинг одамларга кўрсатаётган кўмаги қайсидир маънода улар зиммасига масъулият юклаётганини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз.



“Латифсобунгар” маҳалласида истиқомат қиладиган Дурдона Ниёзованинг оиласи камбағал сифатида рўйхатга олинган эди. Ўрганиш ва суҳбатлар натижасида унинг чеварчиликдан хабари борлиги маълум бўлди. Иштиёқи ва ғайрати анча баланд, бирор ишнинг бошини тутса, тортиб кетиши билиниб турарди. Унга ҳар жиҳатдан ёрдам бўлсин, деган мақсадда субсидия асосида тикув машинаси олиб берилди. Фаолиятини йўлга қўйиши учун 5,5 миллион сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди. Маблағ эвазига керакли буюмларни харид қилиб, ҳозир буюртма асосида кийим-кечаклар тикишни бошлаб юборган.

Бундан ташқари, маҳаллаларга масъул сифатида бириктирилган банклар 221 та хонадонга томорқадан олаётган даромадини 50-60 миллион сўмга чиқариши учун тизимли тадбирларни амалга ошириб келмоқда. Қўшимча равишда 274 нафар фуқаронинг даромадли меҳнат билан бандлиги таъминланди. Ушбу мақсадлар учун тижорат банклари 7,2 млрд. сўмдан зиёд кредит ва 114 миллион сўмлик ҳомийлик маблағлари йўналтирилди.

Эътибор берадиган бўлсак, кўпинча оилавий келишмовчилик, эр-хотин ўртасидаги низолар, асосан, моддий етишмовчилик ва бекорчилик сабаб юзага келади. Уларни имкон қадар қисқартириш мақсадида 591 нафар ишсиз фуқаронинг бандлиги таъминланди. Натижада шунча оиланинг рўзғорига қут-барака кира бошлади.

Бугун ҳар бир инсоннинг тақдирида маҳалланинг иштироки яққол намоён бўлмоқда. Хоҳ кам таъминланганларни қўллаб-қувватлаш, хоҳ одамлар маънавий дунёқарашини юксалтириш бўлсин, мақсадли тарзда бирма-бир амалга ошириб келяпмиз.

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

Қўлига китоб тутқазмасак, тарбия ва тафаккур ўзгармайди

Нодира ЖАНЗАҚОВА
Ғаллаорол туманидаги “Маржонбулоқ” ва “Оқтош” маҳаллалари ижтимоий ходими.

...Яқинда 15 ёшни қаршилаган бу боланинг ақлий салоҳияти ва иқтидори жуда баланд. Гарчи имконияти чекланган бўлса-да, тинимсиз ўз устида ишлайди. Хорижий тилларни ўрганишга иштиёқи юқори. Маҳалламиздаги бир ҳомий олиб берган компьютерда онлайн тарзда ўқиб, турк тилидан сертификат олди. Бундан ташқари, расм чизишни яхши кўради. Турли кўргазма ва тадбирларда қоғозга туширган ҳар хил мавзудаги тасвирлари билан фаол иштирок этиб келмоқда. Унинг интилишларини қўллаб-қувватлаш мақсадида электрон юритмали арава олиб берилди. Шундан сўнг онасининг бандлиги таъминланди. Ҳозир секин-аста юришни бошлаяпти. Уй таълимига жалб қилингани боис ишига масъулият билан ёндашмаган айрим ўқитувчиларини алмаштирдик. Кўрсатилган ёрдамдан она-бола жуда миннатдор. Уларнинг хурсандлигини кўрсам, шу соҳада ишлаётганимдан кўнглим хотиржам тортади.

Ҳудудимизда ногиронлиги бўлган фуқаролар 252 нафарни ташкил этади. Шу кунга қадар уларнинг 1 нафарига электрон, 4 нафарига оддий арава берилди. 3 та мураккаб ортопедик пойабзал, 8 та ҳасса муҳтожларга тақдим этилди. Бу борада доимий ўрганишлар давом этмоқда. Кимнинг нимага эҳтиёжи бўлса, муддатидан кечиктирмай протез-ортопедик мосламалар ҳамда реабилитация қилишнинг техник воситалари етказиб берилмоқда.

Ўрганишлар натижасида “Маржонбулоқ” маҳалласида қўшнисининг васийлигига олинган якка-ёлғиз кекса истиқомат қилиши аниқланди. Вазият жуда оғир эди. Васий 75 ёшли аёлнинг уй-жойига эга чиқиш ҳамда 3 миллион сўмдан ортиқ нафақасини ўзлаштиришни мақсад қилган экан. Шунга қарамай, онахонга анча қўпол муносабатда бўлган. Ҳатто уйдан кўчага чиқармай қўйган. Озиқ-овқат ва керакли дори-дармон билан таъминлаш масаласида ҳафсала қилмаган. Кекса аёлга кўмаклашиш мақсадида, аввало, васийлик бекор қилинди. Ижтимоий ходим ассистенти бириктирилиб, муаммолари бирин-кетин ҳал этилди. Ҳаво яхши бўлган кунлари кўчага сайрга олиб чиқяпмиз. Бирга дўконларга бориб, керакли нарсаларини харид қилишга ёрдамлашяпмиз.



Иш жараёнида олдимизга мурожаат қилиб келган фуқарони бор диққатимни жамлаб эшитишга ҳаракат қиламан.

Умуман олганда, жамиятга қўшилишига, ижтимоийлашувини таъминлашга қандай хизмат керак бўлса кўрсатиляпти.

“Маржонбулоқ” маҳалласи, асосан, кўп қаватли уйлардан иборат бўлгани учун ижарада турувчилар кўпчиликни ташкил этади. Шунга яраша муаммолар ҳам анчагина. 8 нафар аёлга тазйиқ ва зўравонликка учрагани сабаб ҳимоя ордери берилган. Уларнинг 5 нафари турмуш ўртоғининг қилган қўпол муносабатидан азият чеккан.

Кишини ўйга толдирадиган жиҳат шундаки, олиб борилаётган қатор тарғибот тадбирлари, қонунчиликдаги ўзгаришларга қарамай, ҳали ҳам ўз жуфти ҳалолига куч ишлатаётган эркаклар талайгина. Муаммонинг туб илдизларини ўрганадиган бўлсак, оиладаги маънавий муҳит, тарбия борасидаги қатор камчиликларга гувоҳ бўлиш мумкин. Уни ҳал қилишда, аввало, ёшларни катта ҳаётга муносиб тайёрлаш, қўлига китоб тутқазиб, ўқитиш керак.

Иш жараёнида олдимга мурожаат қилиб келган фуқарони бор диққатимни жамлаб эшитишга ҳаракат қиламан. Агар уни тушунаётганингизни, ҳис қилаётганингизни кўрса, кўнглидагиларнинг барчасини очиқ-ошкор сўзлаб беради. Баъзилар кичик муаммосини ваҳима қилиб сўзлаб беради. Аслида, бунинг оддий ечимга эга эканини тушунтирганимиздан кейин сал енгил тортади. Ҳолатни талқин қилишингизга қараб, мурожаатчининг муносабатини бутунлай бошқа тарафга ўзгартириб юбориш мумкин. Бу усул тушкунликка тушиб қолган инсоннинг кайфиятини кўтаришда жуда асқатади.

Ногиронлиги бўлган фуқаролар орасида меҳнатга лаёқатли, лекин ҳеч қаерда ишламайдиганлар кўпчиликни ташкил этади. Уларнинг жамиятда муносиб ўрин эгаллаши, бирор соҳанинг бошини тутиши учун маҳалла ёки туман миқёсида ихтисослашган касб-ҳунар марказлари ташкил этилса, яхши бўларди. Очилмаган қанчадан-қанча иқтидор эгалари истеъдодини намоён этарди.

Ижтимоий ходим сифатидаги қисқа муддатли фаолиятим давомида соҳага бошқача меҳр қўйдим. Умримнинг қолган қисмини у билан чамбарчас боғлаш мақсадида олий таълимнинг шу йўналишида таҳсил оляпман. Негадир қийналганларни кўрганда ёрдам бергим келаверади. Кимнингдир хурсандчилигига сабабчи бўлишнинг гашти ўзгача.

КЎМАК

КУЧЛИ ИРОДА ҚАДДИНИ ТИКЛАДИ, МАҚСАДГА ЙЎЛЛАДИ

Нурота туманининг Ғафур Ғулом номидаги маҳалласида истиқомат қилувчи Жалолиддин Соҳибов автоҳалокат туфайли тўшакка михланиб қолган бўлса-да, ўзининг кучли иродасини намоён этиб, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйди.

Ижтимоий ходим оилани индивидуал ёндашув асосида комплекс баҳолаб, керакли хизматларни кўрсатди. Хусусан, реабилитация қилишнинг техник воситаси билан таъминлади. Вилоят ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш марказига йўлланма берди.

Кам таъминланган оилани камбағалликдан чиқариш мақсадида маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси билан ҳамкорликда субсидия асосида электрон юритмали скутер олиб берилди.

Ҳозирда матонатли инсон турмуш ўртоғи билан биргаликда кўчма озиқ-овқат дўконини ташкил қилиб, элга хизмат кўрсатяпти. Асосийси, оиланинг молиявий даромадлари ошиб, Жалолиддин Соҳибов фаолиятини янада кенгайтиришни мақсад қилган.

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Навоий вилояти бошқармаси матбуот хизмати.



Ўзбекистон терма жамоаси ва ЦСКА клуби аъзоси АББОСБЕК ФАЙЗУЛЛАЕВ Осиёда “Йилнинг энг яхши ёш футболчиси” дея эътироф этилди.



ФУТБОЛ БЎЙИЧА U-17 ёш тоифасидаги Ўзбекистон терма жамоаси Осиё кубогига йўлланмани қўлга киритди.



БОКС БЎЙИЧА ёшлар ўртасида ўтаётган жаҳон чемпионатида Ўзбекистон терма жамоасининг 13 нафар вакили чорак финалга чиқди.

НАТИЖА

ТАДБИРКОРЛАРНИНГ 40 ФОИЗИ — ХОТИН-ҚИЗЛАР

Мамлакатимизда хотин-қизларга берилаётган эътибор натижасида уларнинг нафақат ижтимоий, балки иқтисодий ҳаётдаги ўрни ҳам тобора ортиб бормоқда.



Сўнгги 5 йил ичида Ўзбекистонда тадбиркор аёллар сони икки бараварга кўпайди ва бугунги кунда мамлакатимиз тадбиркорларининг 40 фоизини хотин-қизлар ташкил этади.

Ўз бизнесини юритаётган аёллар 205 мингдан ошди. Иқтисодиёт ва саноатда хотин-қизларнинг улуши 46 фоизни ташкил этмоқда.

Бугунги кунда аёллар раҳбарлик қилаётган юридик шахслар 95 мингдан ортиқ, якка тартибдаги тадбиркорлар эса 111 мингга етган. 4 минг 550 дан ортиқ фермер хўжаликларига хотин-қизлар раҳбарлик қилмоқда.

Тадбиркорликнинг электро энергетика ва оғир саноат каби йўналишларида аёлларимизнинг сони ортиб бораётгани алоҳида эътиборга лойиқ.

БИЛИБ ҚЎЙИНГ!

ЭҲТИЁЖМАНД ҚАНДАЙ ЁРДАМ ОЛАДИ?

Вазирлар Маҳкамасининг “Хотин-қизлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига кўра, “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш қуйидаги йўналишларда амалга оширилади:

1) ижтимоий ҳимояга муҳтож ишсиз хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш ҳамда зарур ҳолларда, сектор раҳбари хулосаси асосида бир марталик моддий ёрдам бериш;

2) тадбиркорлик қилиш истагида бўлган эҳтиёжманд хотин-қизларнинг тадбиркорликни йўлга қўйишга кўмаклашиш;

3) боқувчиси бўлмаган эҳтиёжманд хотин-қизларга бир марталик моддий ёрдам бериш, зарур ҳолларда, сектор раҳбари хулосаси асосида оғир турмуш шароитидаги *(уй-жойи таъмирлашга муҳтож, бироқ оиласининг моддий имконияти етмайдиган)* хотин-қизларнинг уй-жойини таъмирлаш;

4) ижтимоий ёрдамга муҳтож I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган, шунингдек, тезкор тиббий муолажага муҳтож эҳтиёжманд хотин-қизлар учун бир марталик моддий ёрдам бериш, зарур ҳолларда, сектор раҳбари хулосаси асосида оғир турмуш шароитидаги *(уй-жойи таъмирлашга муҳтож, бироқ оиласининг моддий имконияти етмайдиган)* хотин-қизларнинг уй-жойини таъмирлаш, тиббий муолажага муҳтож эҳтиёжмандлар учун зарур тиббий ёрдамлар кўрсатиш;

5) уй-жойга муҳтож эҳтиёжманд хотин-қизларга ижара компенсациясини тўлаш, ижтимоий уйларга жойлаштириш, уй-жой билан таъминлаш ва зарур ҳолларда, сектор раҳбари хулосаси асосида бир марталик моддий ёрдам бериш;

6) қарамоғида ногиронлиги бўлган фарзанди мавжуд эҳтиёжманд хотин-қизлар учун бир марталик моддий ёрдам бериш, зарур ҳолларда, сектор раҳбари хулосаси асосида томорқадан ва деҳқончиликдан даромад манбаи сифатида фойдаланиш учун кўмаклашиш.

БИР НАЗАР

Янги ҳаётда ҳар куни янги тонг отади

Маҳаллаларда иш қизғин. Аҳоли муаммоларини ўрганиш ҳамда ҳал этиш, бандлигини таъминлаш, оилаларни мустаҳкамлаш, маънавият ва маърифат, ёшлар тарбияси каби йўналишларда аниқ тузилган режа ва мақсадлар билан тизимли тадбирлар олиб борилмоқда.

Улуғбек АБДУВОҲИДОВ,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Янгиҳаёт тумани бўлими бошлиғи.

Жамиятнинг равнақ топиши бевосита оилалар мустаҳкамлиги билан боғлиқ. Эр-хотиннинг ўзаро ҳамжиҳатликда ҳаёт кечириши келажак авлод тарбиясида тенгсиз аҳамият касб этади. Шу боис “маҳалла еттилиги” бу вазифани ҳеч қачон эътибордан четда қолдирмайди. Жорий йилнинг шу даврига қадар 19 та ажралиш ёқасидаги оиланинг барчасини яраштиришга эришдик. 17 та нотинч оиладан 7 таси муросага келтирилиб, 10 та хонадоннинг низоларига барҳам бериш мақсадида ҳимоя ордерлари расмийлаштирилди.

Халқимиз азалдан қийналганни қўллаб-қувватлашга ўрганган. Асрлар оша давом этиб келаётган мазкур анъанани бугунги кунда муносиб тарзда давом эттиряпмиз, десак айни ҳақиқат бўлади. Хусусан, ҳудудимизда истиқомат қиладиган 837 та ижтимоий ҳимояга муҳтож оилага турли йўналишларда хизмат кўрсатилди. Шундан, 40 та эҳтиёжманд оиланинг вояга етмаган фарзандлари мактаб кийимлари ва ўқув-қуроллари билан таъминланди. 30 та оилага Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш Давлат мақсадли жамғармаси ва ҳомийлар кўмагида даволаниши ҳамда мураккаб жарроҳлик амалиётлари учун моддий ёрдам берилди.

4 нафар ногиронлиги бўлган шахс арава, 20 нафари протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситалари билан таъминланди. 300 дан ортиқ ижтимоий ҳимояга муҳтож оилани “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фонди билан ҳамкорликда бепул дори-дармонлар билан таъминлаб келяпмиз.

“Тошкент” маҳалласида истиқомат қилувчи ижтимоий ҳимояга муҳтож Регина Сафарова билан учрашиб, муаммолари ўрганилганда, 3 нафар фарзанди қишки кийим-кечакка эҳтиёжи борлиги маълум бўлди. Шундан сўнг керакли буюмлар ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари учун 2 миллион сўм миқдорида моддий ёрдам ажратилди.

Жорий йилнинг 9 ойи давомида кўрсатилган моддий ёрдамлар миқдори 2 млрд. 185 миллион 808 минг сўмни ташкил этмоқда. Жумладан, “Нуроний” сиҳатгоҳига 40 миллион сўмлик йўлланмалар, озиқ-овқат жамланмаси учун 420 миллион сўм, дори-дармон учун 16,2 миллион сўм, мактаб кийими ва ўқув қуролларига 42,23 миллион сўм миқдорида маблағ йўналтирилди. Бундан ташқари, 71 та кам таъминланган хонадонга қуёш панеллари ва 15 та рўзғорга сув иситиш мосламалари ўрнатилди.

Меҳнат қилган, ўз устида ишлаган одамнинг ҳаёти яхшиланиб бораверади. Олдига мақсад қўйиб, унга эришиш йўлида астойдил ҳаракат қилишга киришади. Ютуқлари, ижобий натижалари баробарида рўзғорига қут-барака киради. Шунинг учун ҳам аҳоли банд-





лигини таъминлашни кун тартибимиздаги асосий вазифага айлантирганмиз. Жумладан, жорий йилнинг шу даврига қадар 1 минг 815 нафар фуқаро ишга жойлаштирилди. 374 нафар шахс касб-ҳунарга ўқитилди. Ишсизлик даражаси 2021 йилда 7,1 фоизни ташкил этган бўлса, бугунги кунга келиб ушбу кўрсаткич 4,8 фоизга туширилди. 2024 йил якунига қадар 14 минг 592 та янги иш ўринлари ташкил этилиши ҳисобига ишсизлик даражаси 4,5 фоиздан пастга тушиши кутилмоқда.

Имконият ва шароит яхшиланиб боргани сари одамлар орасида ўз мустақил бизнесини бошлаш истагидагилар сони кўпайиб боряпти. Йилдан-йилга тажриба ва малака ортиб, янгидан-янги йўналишлар пайдо бўляпти. 2024 йилда 685 нафар аҳоли ўзини ўзи банд қилган бўлса, 142 нафари тадбиркорлигини бошлади. Уларга дастак бўлиш мақсадида 633,6 миллион сўм миқдорида субсидия ажратилди. 201 нафар мурожаатчига 2 минг 873 миллион сўм имтиёзли кредит олишига ёрдам берилди.

“Янги Гулзор” маҳалласида яшовчи Акром Исоқов томорқасида турли хил гул кўчатлари етиштириш билан шуғулланади. Унга фаолиятини ривожлантириши учун 66 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит тақдим этилди. Натижада тадбиркор йилига 50 минг дона гул кўчатлари етиштиришни бошлади. Йиллик даромади 300 миллион сўмни ташкил қиляпти.

“Ёркинҳаёт” маҳалласида яшайдиган Мақаддас Эгамованинг мутахассислиги ҳамшира бўлса-да, Россиянинг Владивосток шаҳрида оддий ишчи бўлиб ишлаётганди. Фуқарога соҳаси бўйича тумандаги тиббиёт клиникасидан 5 миллион сўм маошли иш таклифи берилиши натижасида юртимизга қайтиши маълум бўлди.

Айни вақтда миграциядаги фуқароларимиз сони 5 минг 985 нафарни ташкил этади. Шу кунгача “еттилик” вакиллари 3 минг 676 нафарини тўлиқ хатловдан ўтказди. 1 минг 773 нафар юртимизга қайтиш истагини билдирган фуқарога керакли барча хизматлар кўрсатилмоқда. Ўтган 9 ой давомида 949 нафар ватандошимиз оиласи бағрига қайтиб келди. 251 нафар фуқаро Миграция агентлиги орқали кафолатланган иш ўринларида, 435 нафари 1000 АҚШ доллари миқдорида ойлик олиб, қурилиш, электр устаси, савдо-сотиқ, ошпаз, иқтисодчи лавозимларида ишлаётгани аниқланди.

Ҳар куни янги тонг отар экан, қалбимда маҳаллаларимизда яна қандайдир ижобий ўзгариш бўлишига мустаҳкам ишонч уйғонади. Сабаби, бугун тизимда фаолият олиб бораётган ходимлар бор меҳрини ишга берган, аҳоли турмуш шароитини яхшилаш сари тинимсиз ҳаракат қиляпти. Натижаларимиз юрт ривожида тенгсиз аҳамият касб этишини яхши биламиз.

ТАЖРИБА

Истеъдодли болалар ташаббуси қўллаб-қувватланади

Ота-она борки, фарзандининг истеъдодини кашф этишни, ижтимоий кўникмаларини ривожлантириш ва ўзига муносиб дўстлар орттиришини истайди. Қолаверса, боланинг жамоада ишлаш кўникмасини ошириш, бошқаларнинг фикрини ҳурмат қилишга ўргатишнинг аҳамияти жуда катта.

Ҳасанбой НАБИЕВ,
Ўзбекистон болалар ташкилоти Бошқарув Кенгаши раиси.

2024 йил 16 апрель куни ташкил этилган Ўзбекистон болалар ташкилоти келажак авлод онгу шуурида шу каби фазилатларни шакллантиришни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйган. Хусусан, болаларни ватанга муҳаббат, интеллектуал, ижодий, жисмоний ва маънавий жиҳатдан етук шахс қилиб тарбиялаш борасида қатор амалий тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Қолаверса, тузилма уларнинг таълим ва дам олишига бўлган ҳуқуқларини рўёбга чиқариш, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида вояга етишида кўмаклашишни ҳам ўз олдидаги муҳим вазифа, деб ҳисоблайди.



Мазкур ташкилот ўйин, танлов ва ижодий лойиҳалар орқали боланинг завқланиши ҳамда келажак учун ҳаётий кўникмаларга эга бўлишига ёрдам беради. Аъзолар атроф-муҳитни муҳофаза қилиш гуруҳлари, кўнгиллилар фаолияти ва ижтимоий лойиҳаларда иштирок этади. Бу уларга жамиятга қўшган ҳиссасининг нечоғли муҳимлигини тушунишга ёрдам беради. Шунингдек, болалар турли урф-одат ва анъаналар билан танишиши мумкин. Шу орқали бошқа маданиятларга ҳурмат шаклланади ва дунёқараш кенгаяди.

Глобаллашув жараёни ва дунёда кечаётган кескин ғоявий ва мафкуравий курашлар ёшларни умуминсоний қадриятлар, юксак маънавият, ватанпарварлик ва инсонпарварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг қалби ва онгига мустақиллик ғояларини янада чуқурроқ сингдириш ҳамда ёт ғояларга қарши иммунитетини шакллантиришни тақозо этмоқда.

Шу маънода ташкилотимиз мамлакатдаги болаларнинг онги ва қалбини турли ёт қараш ва мафкуралардан ҳимоя қилишга қаратилган 3 та асосий йўналишда иш олиб бормоқда:

Ватан – туғилиб ўсган жойига муҳаббат, давлат рамзларига ҳурмат уйғотиш, мамлакат тарихини чуқур ўргатиш;

Дўстлик – меҳр-саховат, дахлдорлик, ташаббускорлик, ўзаро ҳамкорлик, лидерлик, жамоани бошқара олиш каби фазилатлар ва кўникмаларни ривожлантириш;

Бахтли болалик – соғлом ҳаёт кечириш, замонавий сифатли таълим олиш, иқтидори ва қобилиятларини юзага чиқариши учун қулай ва хавфсиз муҳит яратиш.

Ўзбекистон болалар ташкилоти 10 ёшдан 18 ёшгача бўлган болалар билан ишлайди. Сардорликнинг энг қуйи бўғини — умумтаълим муассасаси ҳисобланади. Қолаверса, кейинги босқичларда туман-шаҳар, ҳудудий ҳамда республика сардорлари фаолият олиб боради.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, болалар ташкилоти келажак эгаларининг ижтимоий ривожланиши, истеъдоди ва ташаббусларини қўллаб-қувватловчи тизимдир. Турли тўгараклар ва лойиҳалар бадиий, спорт, техник ва бошқа жиҳатларни ривожлантириш учун имкон яратади.

Mahalla

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

Бош муҳаррир: Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ
Дизайнер: Абдулазиз АҲМЕДОВ
Шерзод МАМАНОВ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2024 йил 7 майда №271590 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «MAHALLA DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ

Таҳририят манзили: 100192, Тошкент шаҳри Мустақиллик шоҳ кўчаси 59-уй.
Телефонлар: 71 233-39-89, 71 233-10-92.
Нашр кўрсаткичи: 148

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.

Ўлчами — 380x587, 4 б.т.
6 700 нусхада чоп этилди.
Буюртма №: Г-1020

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.